

## ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Илҳом Жуманов фото-коллажи.

## ЎЗБЕКИСТОН

Муҳаммад ЮСУФ,  
Ўзбекистон халқ шоири

О, ота маконим,  
Онажон ўлкам,  
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.  
Сендай меҳрибон йўқ,  
Сенингдек кўркам,  
Римни алишмасман бедапоянгга.

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,  
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.  
Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,  
Тоғларинг изимдан эргашиб юрар.

Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,  
Ё худбинман ё бир содда касман мен.  
Парижнинг энг гўзал рестораниларин,  
Битта тандирингга алишмасман мен.

На гапга кўнайин,  
На тил билайин.  
Кўздан уйқу қочди, дилдан ҳаловат.  
Уч кунда соғинсам нима қилайин?..  
Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.

Билдимки, баридан улуғим ўзинг,  
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.  
Баҳорда Баҳмалда туғилган кўзинг  
Араб оҳусидан азизроқ менга.

Сен билан ўтган ҳар кун байрам-базм,  
Сенсиз бир он қолсам ваҳмим келади.  
Сени билганларга қиламан таъзим,  
Сени билмасларга раҳмим келади.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида" ги қарори ижросини таъминлаш борасида республикада бўлаб кенг миқёсда амалий-ташқирий ва маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. "Ягонамансан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" деган эзгу ғоя барча юртдошларимиз қалбини бир олам шукуҳга тўлдирмоқда.

Шу кунларда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекинаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва бастакорлар уюшмалари билан ҳамкорликда барча вазирликлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва шаҳар-туманлар миқёсида ўтказилган "Ягонамансан, муқаддас, Ватан!" аънавий республика танлови жойларда тинчликсевар халқимиз учун катта қўшиқ байрамига айланиб кетгани бежиз эмас.

Айни пайтда бир қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида "Энг улуг, энг азиз!", "Ватан учун яшайлик!", "Ранглар жилосида — она диёр" каби кўрик танловлар ўтказилди, голиблар муносиб тақдирланди. Буларнинг барчаси юртимизнинг ҳар бир гўшасида энг улуг, энг азиз байрамимизни нишонлашга кўтаринки

Ҳар гал пойтахтга борсам, қалбим ғурурга тўлади. Истиклол туфайли азим Тошкент бекиёс гўзал шаҳарга айланди: катта ва кенг кўчалар, раvon йўллар, кўприклар, ўзига хос архитектура тизимига эга бўлган, кўзни қамаштиргувчи мухташам бинолар, обод ва файзли масканлар... санаб адоғига етиш қийин.

Мустақиллик майдони, Темурийлар тарихи давлат музейи, Халқаро анжуманлар саройи, Олий Мажлис Сенати биноларига қараб ғуруримиз юз чандон ортади, истиклол туфайли бугунги дорилмомон кунлар шукро-

руҳ ва шодиёналик ҳисси билан тайёргарлик кўриладиганини яққол ифодалади.

Мамлакатимиз ички ишлар органлари жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ишларни кенг жамоатчилик

## УЛУҒ БАЙРАМ АРАҒАСИДА

ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан мустаҳкам ҳамкорликда амалга ошира бориб, тинчлик-осойишталикни сақлаш ва қадрлашда муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Юртимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида қўлга киритилган ижобий натижалар халқаро мутахассисларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлмоқда. Жумладан, жаҳон миқёсида қонун устуворлигининг навбатдаги индексини эълон қилган "The World Justice Project" мустақил халқаро ташкилотининг йиллик маърузасида Ўзбекистон ҳуқуқ тартибот ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича етакчи

### Тинчлик — энг олий неъмат

беш мамлакат қаторидан ўрин олганлиги бунинг ёрқин бир мисолидир.

Истиклол йилларида маънавиятнинг синовлардан ўтиб, мисли кўрилмаган

ютуқларга эришганимиз замирида азиз, меҳнатсевар халқимизнинг фидокорона меҳнатлари, матонати ва бағрикенглиги, эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончи, энг муҳими, юртимизда ҳукм сураётган, энг олий неъмат — тинчлик-осойишталик мужассам.

Тинчлик ва осойишталикни сақлашда барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қатори ички ишлар ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Ички ишлар вазирлигининг Ҳайъат йиғилишида ҳам Мустақиллигимизнинг йи-

фирма уч йиллик байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш муболиғида мамлакатда хавфсизликни ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш борасида Республика ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Албатта, тинчлик деб аталган олий неъматни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг, балки шу қутлуғ замирида яшаб, унинг неъматларидан баҳраманд бўлаётган барча юртдошларимизнинг муқаддас бурчидир. Шу боис, бу борадаги ишларни амалга оширишда жойлардаги ҳокимликлар, ўз-ўзини бошқариш органлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси таъсирлигидаги бошланғич ташкилотлар, педагогик жамоалар, маҳалла маслаҳатчилари, бир сўз билан айтганда, кенг жамоатчилик эътибори жалб этилмоқда. Зеро, халқимиз осойишталиги, юрт тинчилиги муштарак мақсадимиздир.

**Зиқрилла НЕЪМАТОВ,**  
ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бўлим бошлиғи, полковник.



### Шукрона

йилларимизда бизга бундай имкониятлар йўқ эди. Кишлоқ мактабда ўн йил рус тили фанини "ўрганган" бўлсак-да, армия хизматига боргач, оддий сўзлашувни ҳам эпломмай, анча қийналганмиз. Буни ҳам қўя турайлик, ўн-ўн беш йиллаб чекка кишлоқ мактабда болаларга рус тили фанидан сабоқ берган муаллимларнинг ўзлари узоқдан келган меҳмонлар билан рус тилида эркин суҳбатлаша олмаганларини кўриб, қанча афсусланганман.

Илгари хориж тили деб айрим мактабларда немис тили ёки инглиз тили, айримларида эса француз тили ўргатиларди. Масалан, биз мактабда немис тилини ўргана бошлаганмиз. Икки йилдан кейин ўқитувчимиз бошқа мактабда ишга ўтиб кетди. Унинг ўрнига келган ўқитувчи эса инглиз тилидан мутахассис экан. 9-10 синфни кўшни кишлоқ мактабда ўқидик. У ерда чет тили дарсларимизда биз ҳеч нарса тушулмаган француз тилидан дарс ўтилди. Очигини айтганда, биз бирорта чет тилини ҳам мукамал ўргана олмаи мактабни тамомлаганмиз.

Бугун эса ёруғ ва шинама мактабларимизда малакали кадрлар ҳам етарли. Бундан ташқари ҳозирги замон ёшларининг ота-оналари дунёни танимоқда, ўз фарзандларини илму заковат ва иқтидорда илғор мамлакатлардаги тенгқурлари билан бўйлашадиган қилиб тарбиялашни истайди, дунёни кўрсин, дейдилар. Бунинг учун аввало хорижий тилларни билишлари лозимлигини яхши англайдилар. Шу боис аксарият ота-оналар фарзандлари мактабда хорижий тили қандай ўрганаётганликларини билан доимо қизқадилар.

**Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ,**  
Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси.

### Шукру

## «ЖАННАТМОНАНД ЮРТИМИЗ БОР!»

Тўрақўрғон туманида истиқомат қилаётган Татьяна Холматова Туркманистонда туғилган. Унинг талабалик йиллари юртимизда кечган. 1974 йилда Самарқанд медицина институтига ўқишга кирди. Шу ерда тақдир уни бўлажак турмуш ўртоғи Владимир Холматов билан учраштиради. Бахтни қарангки, Татянининг кейинги ҳаёти Ўзбекистон ва бу заминдаги бағрикенг ва меҳрибон инсонлар билан чамбарчас боғланди.

Умр йўлдоши билан биргаликда улар икки нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди. Юрий ва Константин ҳозирги кунда ўз севган касбларининг моҳир устаси, эл хизма-



тида. Афсуски, отага ўғиллари қамолини узоқ йиллар кўриб яшаш насиб этмади. 2010 йилда дунёдан ўтди.

Татяна опа маҳалладошлари, эрининг яқинлари, кўни-қўшниларга суянди, уларнинг иссик меҳрида куч олди. Ўз севган касби ортида, топган обрў-эътибори уни элдошлари орасида азиз ва муқаррам қилди.

— Ўттиз икки йил давомида кишлоқ врачлик амбулаториясида педиатр врач бўлиб ишладим, — дейди Татьяна опа Холматова. — Ҳозир нафақадан. Шундай бўлса-да, ханузгача ҳамқишлоқларим "доктор опа" деб ҳурмат қилишади, маслаҳатларимни олиб туришади. Мен ҳам кечаю-кунду қўлимдан келгунча кўмак бераман.

Оллоҳнинг инёяти экан-да, тақдирим шу заминга боғланганидан хурсандман. Президентимизга мингдан минг раҳмат, мен жаннатмонанд замин Ўзбекистонда меҳр-оқибатга ошно бўлиб яшайман. Юртимиз тинч, осойишта, Дастурхонимиз тўқин, ҳаммамиз биргаликда эзгу мақсадлар сари интиляпмиз. Инсонга бундан ортқи яна нима керак? Агар ҳаётга қайта келганимда ҳам, яна шундай тақдир йўлини танлаган бўлардим. Бу тупроқ менинг она бешигим, ҳеч қандай бойликка алишмайман. Чунки икки ўғлимнинг киндик қони шу тупроқда тўқилган.

Айниқса, бири биридан аҳил ва оқибатли кўни-қўшниларнинг бағрикенглиги қалбимни тўлқинлантиради. Уларнинг бири қўйиб, бири ҳар қуни хабар олгани чиқди. Раънохон, Муқаддасхон... Исмлири қалби мисол гўзал ва чиройли, ўзлари самимий, одамгарчиликни энг биринчи ўринга қўйишади. Шундай инсонлар орасида яшаш албатта, инсонга бахт беради.

Илоҳим, тинчлигимизга, мустақиллигимизга кўз теғмасин. Эозод ва обод Ватанимизнинг ҳар қачон тупроғини кўз қорачигидай асрайлик. Ҳаётимиз бундан-да фаровон бўлсин. Яқинлашиб келаётган энг улуг, энг азиз айём — Истиклолимизнинг 23 йиллик тўйи муборак азиз юртдошлар!

**Шахло ТОШБЕКОВА,**  
"Оила ва жамият" муҳбири.  
Наманган вилояти.

## БУ ВАТАНДА ЯШАМОҚ БИР БАХТ

наси дилдан кечади.

Тинч ва осойишта юртимда халоватда яшаётган оилам, юрагимга энг яқин кишиларим, фарзандларим олдида ошиқаман.

Эшик очилиши билан:

— Ассалому алайкум, дадажон, яхши келдингизми? — қизларимнинг саломига алик олиб улгурмасимдананоқ мен томон чопкиллаб келаётган невараларимга кучоқ очаман.

— Ассалому алайкум! — дея рус тилида саломлашган Акбаржон юғуриб келиб бўйинига осилади.

Уни ерга қўйгач, менга илҳак турган Аҳроржонга қарайман. У эса хато айтиб қўймаскининман дегандек:

— Омонмисиз, яхши келдингизми, бобожон, — дейди инглиз тилида.

Невараларимни ўзим шундай кутиб олишга ўргатайман. Соатлаб ёнимга олиб, тил билиш кераклигини, ҳозирги росмана йигит камиди уч-тўртта тилни билса ёмон бўлмасли-

гини қайта-қайта таъкидлайман. Уларга янги китоблар, сўзлашув лугатларини совға қиламан. Улар эслаб қолсин, дея буюк маърифатпарвар, таниқли жамоат арбоби Абдулла Авлонийнинг тил билиш тўғрисидаги ўғитларини тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Боғчага бориб тили бийрон бўлаётган жажжи набирам Комронбекни эса ёнимга олиб, саволга тутаман.

Ҳар гал келганимда бир кунни не-

вараларим учун ажратаман. Бу кунни мендан кўра улар кўпроқ кутишади. Доимий одатни қанда қилмаган ҳолда биргаликда истироҳат боғига борамиз. Сайлгоҳ узра чопкиллаб бораётган шодон болажонларга қараб, юрагим чексиз қувончга тўлади. Улар билан ширин суҳбат қураётиб, хурсандчилик ўз ифодасини топан юзларига боқиб, дунёдаги жамки софлик ва беғуборликни кўраман.

Келажагимиз вориси бўлган ёшларнинг дунё билан бўйлашишида дунё тилларини ҳам билишлари муҳим роль ўйнайди. Айни пайтда Президентимиз ташаббуси билан фарзандларимизга хорижий тилларни ўргатиш боғачаёқ йўлга қўйилганлиги келажақда албатта ўз самарасини бериши ҳозирдананоқ намоеён бўлмоқда.

Бу борадаги кенг қўламли сазй-ҳаракатларнинг ҳаётий аҳамиятини барча, айниқса бизнинг тенгқурларимиз чуқур англайдилар. Негаки, ёшлик

Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари,  
Хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра ФАЙЗИЕВА:

# ЭНГ УЛУҒ БУРЧИМИЗ АЁЛЛИК МАСЪУЛИЯТИНИ АНГЛАМОҚДИР

— Бугуннинг оналари чин маънода бахтли, саодатли. Давраларда “Менинг қизим Зулфиячи, фалон университетга имтиёзли равишда қабул қилинди!”, “Менинг болам, нуфузли халқаро турнирда 1-ўринни олди”, “Бизнинг фарзандимиз хориждаги энг ўр университетда ўқияпти”, деган қанотли хушxabарларни тез-тез эшитиб, суюнамиз. Юртимизда истиқлол йилларида оилалар фаровонлигини ошириш, ҳар бир хонадонда соғлом маънавий мухитни шакллантириш борасида олиб борилган ишлар самарасини бугун ҳар биримиз фарзандларимизнинг ютуқларида, оиламиздаги фаровонлик, турмуш тарзимиздаги янгиланишларда кўраямиз.

Вилоятимиз хотин-қизлари ҳам оилада тинчлик, осойишталик, меҳр-муҳаббат мухитини сақлаш, фарзандларимизни баркамол қилиб тарбиялаш билан бирга жамиятимизда содир бўлаётган туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида фаол иштирок этмоқдалар.

Оқила хотин-қизлар сафини кенйтириш, етук кадрлар захирасини яратиш, ижтимоий-сиёсий тадбирларда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш борасида, айниқса, хотин-қизлар кўмиталарининг маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган бошланғич ташкилотлари ибратли ишларни амалга оширомоқдалар. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ҳар йили 2 бошқичда ўтказилаётган “Энг яхши хотин-қизлар кўмитасининг бошланғич ташкилоти” кўрик-танловининг республика бошқичида ўтган йили 1-ўринни қўлга киритган Қибрай туманидаги “Тузел” МФЙ бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раиси Муҳаббат Мирсолихова, Тошкент Давлат Аграр университети қошидаги академик лицейнинг бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раиси Манзура Ҳасанжонова, мазкур танловда 2-ўринни эгаллаган Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошланғич ташкилоти раиси Ҳақима Бекмирзаева, “Бекободцемент” ОАЖ бошланғич ташкилоти раиси Мархабо Усмонова, 3-ўринга сазовор бўлган ТошДАУнинг бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раиси Дилбар Холиқова, Ангрен шаҳридаги 20-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Маъмура Усмонова каби жонқуяр аёлларимизнинг бу борадаги иш тажрибаси бошқаларга ҳам ўрнак бўлмоқда.

Оиласида ибратли бека, фарзандлари тарбиясида намунали она бўлиш билан бирга жамият ҳаётида фаоллик кўрсатиб, иқтидорли, алоҳида қобилияти билан ютуқларга эришадиган хотин-қизларимиз ҳукуматимиз томонидан юксак рағбатлантириладиган она-сингилларимизни янги-ча куч, руҳ билан меҳнат қилишга илҳомлантирмоқда. Айни пайтда вилоятимиздаги 15 нафар Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари таълим муассасаларида ўқиб-изланаётган, минглаб иқтидорли қизларимиз учун катта ибрат бўлмоқда.

Илм-фан йўлида фаолият кўрсатётган аёлларимизнинг сафи ҳам

йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Аграр университетнинг катта илмий изланувчи ходими Нилуфар Турдиева олимпиада аёллар ўртасида ўтказиб келинаётган “Илм юлдузлари” кўрик-танловининг 2013 йилги республика бошқичида ўзининг илмий изланишлари билан совриндорлар сафидан жой олди. Шунингдек, “Гимнастика ҳамма учун” шиори остида ўтказилаётган мусобақаларнинг республика бошқичида 2013 йилда олий ўринни эгаллаган Ангрен гимнастика жамоаси хотин-қизлари ҳамда “Йил аёли” кўрик-танловининг ғолиби Қибрай туманидаги “Мега импорт плюс” МЧЖ раҳбари Малика Қодирхонова каби аёлларимиз вилоятимизда истиқомат қилаётган она-сингилларимизга намуна бўлишмоқда.

Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорлари, Давлат дастурида аёлларнинг нафақат ижтимоий, сиёсий, балки спорт соҳасидаги фаоллигини ошириш, уларни оммавий

тинч-ноқобил оилалар сони тобора камаймоқда. Оилавий ажримлар, эрта никоҳлар, эрта туғуруқ ҳолатларининг олди олинмоқда.

Оилавий тадбиркорликни равожлантириш, аҳоли орасида аёллар тадбиркорлиги ва оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтиришлар олиб бориш мақсадида Марказий банкнинг вилоят бўлими, вилоят давлат солиқ бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, адлия, меҳнат ва АИМҚ бошқармалари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда шаҳар, туманларда “Оилавий тадбиркорлик — жамият тараққийотининг пойдевори” мавзусида ўтказилган семинар машғулотлар натижасида Оҳангарон, Бўка, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Бекобод, Чиноз, Янгийўл туманлари ва Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилаётган хотин-қизларимиз орасида сезиларли фаоллик кўзга ташланмоқда. Аёлларимиз, айниқса қизлари-



спортга жалб этиш, бунда айниқса, уй бекаларига эътиборни кучайтириш борасида ҳам биз учун муҳим вазифалар белгила берилган. Бу борада олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган “Аёллар спорт фестивали”нинг туман ва вилоят бошқичида иштирок этиш истагидаги уй бекалари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Юртимизда ҳар бир аёлнинг ҳақ-хуқуқи ҳимояланган. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар ва туман кўмиталари раислари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар биргаликда муаммоли оилалар билан профилактика ва ижтимоий кўмак ишларини олиб бормоқдамиз. Жазодан озод этилган хотин-қизларни ҳаётга мослаштириш учун суҳбатлар ўтказилмоқда, уларни уй-жой ва иш билан таъминлаш, тиббий кўриқдан ўтказиш масалаларида яқиндан ёрдам берилмоқда.

Оилаларда маънавий мухитни соғломлаштириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида маҳаллаларда мутахассислар иштирокида ўтказилаётган ижтимоий, маънавий суҳбатлар натижасида но-

мизнинг иқтисодий билимлари мустаҳкамланмоқда. Уларнинг бизнес лойиҳаларини тузиб, имтиёзли кредитлар олиш имконини берувчи сертификатларни қўлга киритмоқдалар.

Бугунги кунда вилоятимизда фермер аёлларимиз 322 нафарни ташкил этса, тадбиркор аёлларимиз сони 5300 нафарга етди. 2012 йил якунида 1378 нафар тадбиркор аёлга 31 млрд. 670 млн. сўм, 2013 йил якунида 1515 нафар тадбиркор хотин-қизга 41 млрд. 239 млн. сўм кредитлар ажратилди. Натижада яратилган иш ўринлари сони 2627 тадан 2733 тага яъни 106 тага кўпайди. «Соғлом бола йили»да ҳам бу борада ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ўтган давр мобайнида вилоят хотин-қизлар кўмитасининг 612 та корхона билан ҳамкорликда олиб борган ишлари натижасида касаначилик асосида тикувчилик, зардўзлик, кўчат етиштириш ва бошқа шу каби йўналишларда 3849 нафар аёллар иш билан таъминланди. Шунингдек, 434 нафар аёл “Хунарманд” уюшмасига аъзо бўлиб, уларнинг 64 нафари хунармандлар билан касаначилик асосида шартнома тузиб, иш бошладилар.

Эътироф



**Сайёра Файзиёва Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси сифатида 2009 йилдан буён оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, оилаларда маънавий соғлом мухитни шакллантириш борасида мамлакатимизда олиб бориладиган кенг қўламли ислохотларни ҳаётга тадбиқ этишда самарали хизмат қилаётган фаол раҳбар аёллардан бири.**

**Оилали, турмуш ўртоғи Фарҳод Файзиёв — инженер. Уч нафар фарзанди — Фирдавсон, Фаррух, Акмалларни юз билан юзлашадиган, меҳрибон қайнонаси Махмура аянинг доно маслаҳатларига таянган ҳолда ҳаётда ўз ўринларини топишга эришган.**

**Сайёра онанинг чин маънодаги қувончи — неваралари Асилахон, Акбар, Нодирлардир.**

Шунингдек, вилоят меҳнат ва АИМҚ бошқармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Хотин-қизларни иш билан таъминлаш” дастурига кўра, биргина ўтган йили **46681** та иш ўрни яратилиб, хотин-қизлар бандлиги таъминланди. Бу йўналишдаги ишлар бу йил ҳам давом эттирилмоқда. Натижада оилаларга файз, барака кирмоқда.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида вилоятимизнинг нуруний отахон ва онахонлари, меҳнат фаришлари, фаол ёшлар ва хотин-қизлар иштирокида байрам тадбирларини ўтказаямиз. Юртдошларимизнинг, айниқса, фарзандлари камолдан гурури осмон қадар ўсган оналарнинг қувончларига шерик бўлаяпмиз. Ватан равнақи, юрт фаровонлиги, фарзандлар камоли оналарнинг энг эзгу орзуси, энг буюк тилаги бўлиб келган. Бугун ана шу тилаклар ижобатини кўриб яшайамиз. Болаларимизнинг келажиги учун яратилаётган бундай имкониятлар эса жуда катта меҳнат ва интилишлар самарасидир. Оиламиз тинч бўлиши, ўғил-қизларимизнинг бахтли-саодатли яшashi учун энг аввало, юртимиз тинч бўлмоғи керак. Фарзандларимизни миллий кадрларимиз руҳида тарбиялаш, уларни турли ёт гоғлар таъсиридан асраш, оилаларимизда соғлом маънавий мухит барпо этиш биз оналарнинг олдимизда турган энг долзарб вазифалардан биридир. Бугуннинг оналари ҳар доимидан кўра зийрак, оқила, фаол ва фидойи бўлмоғимиз шарт. Шундагина улуг неъмат — Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаб, юртимиз тараққийоти ва равнақиға ҳисса қўшаверамиз. Зеро, Ватан олдидаги энг улуг бурчимиз бу, оналик масъулиятини англамоқдир.

**“Оила ва жамият” мухбири  
Ҳамроҳон МУСУРМОҢОВА  
ёзиб олди.**

Ушбу лойиҳа  
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси  
билан ҳамкорликда тайёрланди.

# ОДИНАНИНГ ОЙДИН ОРЗУЛАРИ

Орағиздаги одамлар

Кутлаймиз!

Андижон вилоятининг Шахрихон туманидаги "Иномжон Файз" фермер хўжалиги раҳбари Одина Отахонова ўтаётган кунимизнинг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланишга одатланган. Жамоат ишлари юзасидан бугун пойтахтга келса, орадан икки кун ўтмай, фермер хўжалигини янада ривожлантириш ташвишлари билан хориж сафарига отланади. Унинг тиниб-тинчимаслиги, ҳаракатчанлиги туфайли фермер хўжалигида иш унумдорлиги кундан-кунга ўсиб бормоқда.

— Эсимни таниганимдан буён кийим-кечаклар тикиш иштиёқи менга тинчлик бермасди, — дейди Одинахон. — Уйимизда биттагина чок ма-

нахон. — Танловга тавсия этганим мактаб формаларининг моделлари телевидор орқали кўрган муҳтарам Президентимиз ўша йили менга тўртта замонавий тикув машинасини совға қилдилар. Бу эътибор мени қанчалик рағбатлантирганини ҳозир сўз билан ифодалаб бера олмайман. Бирдан зиммамга жуда катта масъулият юклаганини ҳис этдим. Давлатимиз раҳбарининг, мактабдаги жамоадoshларим, туман ва вилоятдаги ҳамкасбларимнинг ишончини оқлаш учун тинимсиз меҳнат қилишимиз керак эди. Ўша йили Сарой қишлоғининг 10 нафар аёлларини ёнимга олиб тикувчилик

ни истеъмол қилган қорамолларнинг гўшти ҳам табиий тозаланини алоҳида кадрлашмоқда.

Биз эришган бу ютуқлар, албатта, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, оилалар фаровонлигини юксалтириш борасидаги гамхўрликлар, амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар натижасида бугун мана шундай юксак натижаларга эришяпмиз.


Одинахон Отахонова оилада меҳрибон она, саришта бека. Алишер ака Мадазимов билан уч ўғил — Ҳасанбой-Ҳусанбой ҳамда Абубакрни эл-юрт қорига камарбаста йигитлар бўлиб улғайиши учун ҳаракат қилишмоқда. Бу ишда Одинахон қайнонаси Сарвиҳон аянинг ўғитларига суянади.

Унинг бугунги ютуқларини Иномжон ота кўрганида эди, тадбиркор ва ишбилгич қизидан қанчалар фахрланган бўларди. Одинахон хаамиша отасининг насиҳатларига амал қилади. "Хайрли иш бошлабсан, насиб этса, катта-катта ютуқларга эришасан. Чунки тадбиркорлик томирингда бор. Бобонг бир замонлар эл-юрт ташвишлари билан яшаган мохир ишбилармон эди. Аммо унга имконият беришмаган, аксинча, қора кунлар қурбонига айланиб, "қулоқ" қилинган. Мана энди дорилонмон кунлар келди. Юртдошларингга суяниб дадил ҳаракат қилавер", деб дуо берган эди отаси унга.

Онаси Анорхон ая эса фарзандларига бугунги кунларга шукроналар айтиб яшашни тақрор-тақрор тайинладан чарчамайди. "Биз кўрган кунларни сизлар кўрмадинглар. Биз чеккан заҳматларнинг заҳри қалбимизда қолган", дейди у. Ака-укалари, опасингиллари билан аҳиллик ва тўқис-туғалликда меҳнат қилаётган Одинахон Отахонова бу йил касб-хунар коллежи битирувчиларидан 5 нафарини иш билан таъминлади. Коллежни таъминлаётган бир гуруҳ ёшларга ҳар йили тадбиркорлик сирларини ўргатади. "Кўз кўрқок, қўл ботир", деган гап бежиз айтилмаган, дадил иш бошлайверинглар. Сиз ҳаракат қилсангиз бас, имкониятларнинг ўзи сизларга эшик очади", дейди у.

Бугунги кунда юртимизда Одинахон каби тадбиркор аёлларимиз жуда кўп. Қувонарлиси, уларнинг ҳар бири ўзининг ҳаракатчанлиги, ғайрати ва шижоати билан яна юзлаб, минглаб хотин-қизларга ўрнак бўлишмоқда. Натижада тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида янги-янги лойиҳаларни ишлаб чиқаётган қизларимиз сафи тобора кенгаймоқда.

**Ҳамроҳон  
МУСУРМОНОВА,  
"Оила ва жамият" муҳбири,  
Андижон вилояти.**



шинаси бўлиб, она уни жуда авайлаб ишлатарди. Ўша пайтларда бир этак болани меҳнат ва машаққат билан ўстираётган хонадон учун чок машинаси анчайин қимматли ва қадрли буюм бўлган. Учинчи-тўртинчи синфда ўқиётган кезларим кечқурунлари ҳамма ухлагач, ўша машинани ховлига — ой ёруғи мўл-қўл тушадиган жойга олиб борардим-да, қўйлақчалар тикиб кўрардим. Бир кун сириш фож бўлди. Машинани бузиб қўйишимдан чўчиган онам мени анчагина койиди. Бунни эшитган отам (охиратлари обод бўлсин) менга бир тўп газмол олиб бердилар.

Падари бузруқвори Иномжон отанинг ўша рағбати Одинахоннинг кўнглидаги орзуларни оловлантирди. Педагогика техникумини битиргач, Шахрихон туманидаги Сарой қишлоғида жойлашган 29-ўрта таълим мактабида "Бошланғич меҳнат таълими" муаллимаси сифатида иш бошлаган кезлари мактаб ўқувчилари формасининг 12 турдаги моделини яратиб, 1997 йилда "Мактаб ўқувчисининг энг яхши формаси" республика танловида ғолиб бўлди.

— Интилиш, ҳаракат ва меҳнат инсонни азиз қилади, деган гап бежиз айтилмаган экан, — дейди Оди-

йўналишида иш бошладик. Биласимиз, ўша тикув машиналари жуда баракали келди. Эндиликда 100 тадан ортик замонавий машиналарга эга бўлдик. Фермер хўжалигимизда 80 нафардан зиёд ҳамқишлоқларимиз иш билан таъминланди. Тадбиркорлик фаолиятимнинг дастлабки куниданоқ мамлакатимизда бу соҳани ривожлантириш, хориждан технологияларни олиб кириш учун жуда кенг имкониятлар ва имтиёзлар яратилганига гувоҳ бўлдим. Кейинчалик фермер хўжалигимиз фаолияти чорвачилик йўналиши билан кенгайди. Эндиликда сутни қайта ишлаш корхонасини ишга туширдик. Юртимизнинг ички бозорида ўз ўрнимизни топдик. Германия, Голландия, Польша, Исроил каби 15 дан зиёд чет давлатларга бўлиб, фермер хўжалиги ишини юксалтириш, технологиялар билан ишлаш, чорвачиликни ривожлантириш борасида тажриба алмашиб, билимларимизни бойитиб келдик. Дунё мамлакатлари билан танишарканман, бизнинг юртимизникидек бетакрор табиатни бошқа жойда кўрмадим. Хориждаги ҳамкорларимиз тўрт фаслдан баҳраманд бўлиб ўсган гиёҳларимиз-

## ҚАЛБИ УЙҒОҚ ИЖОДКОР



Ижодкор

аҳли хаамиша халқ дарди, одамларнинг қувонч-ташвишларини юрагига сингдириб, ҳаётга теран нигоҳ билан боқади. Истеъдод соҳиблари қаерда, хоҳ пойтахт

азимда, хоҳ катта шаҳарларда ёхуд чекка қишлоқларда умргузаронлик қилишларидан қатъи назар, қалам ва сўзга содиқ қолсаларгина элдошларининг самимий ҳурмат ва эъзозига сазовор бўладилар. Ана шундай инсонлардан бири навоийлик шоира, журналист, бир неча китоблар муаллифи, "Меҳнат шухрати" ордени соҳибаси Салима Умаровадир. Бу тиниб-тинчимас қаламкаш қачон Тошкентга келса, деярли барча газета-журнал тахририятлари бирма-бир кириб-чиқишни қанда қилмайди. Негаки, унинг турли мавзулардаги ижод намуналари, публицистик асарлари бир зумда тарқалиб, мухлислар кўнглига йўл топа олади.

Дарвоқе, қалби уйғоқ шоира ушбу ёруғ сатрлар орқали озод ва обод Ватанимизни шундай мадҳ этади:

**Сенинг зарра тупроғингга  
мехр бериб,  
Ҳар чечагинг, гиёҳингга  
мехр бериб,  
Кўксим тўлди саодатруҳ  
туғилларга,  
Ноил бўлдим, ёруғ ният —  
имконларга.  
Элнинг кўҳна армонларин  
олиб жонга,  
Умидларин заррасини  
солиб жонга...**

**Изтиробда минг эврилдим —  
улуғлашдим,  
Ҳақ йўлида дарёдайин  
тўлиб — тошдим.  
Қалб — руҳимга ишқ ҳайратлар  
берган ўзинг,  
Синовлардан синмай ўтдим,  
олиб тўзим.  
Қадим — улуғ, бугун — кутлуғ,  
эртанг буюқ,  
Онажоним — Ўзбекистон,  
ўзинг — суюқ.**

Биз бугун жонкуяр, сергайрат ҳамкасбимизни қутлуғ олтимиш ёшга тўлганлиги муносабати билан ижодий жамоамиз ҳамда минг-минглаб зукко газетхонлар номидан чин дилдан табриқлаймиз!

## МЕҲРИНГ

*Юрагимни иқбол нурунгда топдим,  
Тақдиримни турфа йўлингда топдим.  
Интиланганга толе ёр бу заманда,  
Бахт қалитин боғу чўлингда топдим.*

*Меҳрим бисёр гулу тиконларингга,  
Ҳавас ортар оқил инсонларингга.  
Шукрона айтаман, минг бор кўнглидан,  
Дилимга нур берган шод оналарингга.*

*Барчанинг юраги меҳрингда урсин,  
Ишқингда ёнмоқни қалби буюрсин.  
Оламда тенгсиз бахт ўзбеклигимдир,  
Юрт шаънини эл мангу удуғлаб турсин.*

## БУ КУНЛАРНИ КЎРСАЙДИ...

*Ҳар нарсадан тўқис, яшайман бекам,  
Ҳурмат кўргузувлар ёр-дўстларим ҳам,  
Бахтиёрлик доим бўлганда ҳамдам,  
Дейман: "Бу кунларни кўрсайди онам".*

*Умидим юлдузи порлаб толмагай,  
Сиз қилган орзулар четда қолмагай.  
Имконимга ҳеч ким раҳна солмагай,  
Дейман: "Бу кунларни кўрсайди онам".*

*Барақа тўлғуси ризқу рўзимга,  
Дунё шодлиқлари тўлса уйимга.  
Чароғон кўришиб олам кўзимга,  
Дейман: "Бу кунларни кўрсайди онам".*

## Илҳом

*Шогирдларим бир кун барқамол бўлса,  
Қўллари кўксига таъзимда турса.  
Шунда қучоқларим гулларга тўлса,  
Дейман: "Бу кунларни кўрсайди онам".*

*Фарзандлар бахтидан дил севинганда,  
Неварам қаршимда қучоқ кERGанда.  
Кўнглида бир сўзни қилолмай қанда  
Дейман: "Бу кунларни кўрсайди онам".*

ҲИМОЯТ НАЗАРОВА,  
Гулистон тумани.

Шукрона

Яқинда меҳнат таътилига чиқдим, “Зарафшон — Қарши” йўналиши бўйлаб йўлга отландим. Шаҳар жуда чиройли, озода, замонавий бинолар кўп. Шу билан бирга, янги-янги уйлар, дўконлар ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари, тўйхоналар барпо этилиб, бу гўша тобора кенгайиб бормоқда.

Йўлимиз Бухоро вилоятида давом этди. Йўл-йўлакай бу қадим шаҳар бозорларини айландик, расталарни тўлдириб турган сархил мевалар, қовун-тарвуз, турфа ширинликлар, ноз-неъматлар кўзни қувонтиради. Беихтиёр бободехқонларга таҳсинлар айтасан киши. Шаҳар кўчаларида елдек қатнаётган, юртимизда ишлаб чиқарилган автомобилларни кўриб, қалбингиз гурурга тўлади.

Қарши шаҳри томонга қараб юрарканмиз, жаҳон андозаларига мос равишда барпо этилган йўллар хайратимизни янада оширди. Қўхна Насаф заминига келганимизда шаҳардаги ажойиб ўзгаришлар, равон кўчалар, мухташам бинолар, кўкаламзорлаштириш-ободончилик ишларини кўриб, дилимда янада фахр туйғуси ортди. Барча вилоятлардаги каби Қашқадарёда ҳам замонавий, намунали уйлар қурилиши жадаллик билан давом этмоқда. Янги уйларга кўчиб ўтган оилалар қувончи чексиз.

## ДИЛ ҚУВОНЧИ

Ҳар қадамда бунёдкорлик ишларига кўзингиз тушади. “Қарши — Шаҳрисабз” трассасида ҳам 100 километрлик масофа (яъни қадимий Буюк Ипак йўлида) кенгайтирилиб, жаҳон андозаларига мос равишда таъмирланмоқда. Йўловчи машинада ўтаётган, “ҳорманглар-ей!” деб йўлсозларга ёнидаги ноз-неъмат ва егуликлардан узатиб, мамнун бўлаётган танти, бағрикенг юртдошларимизга қараб, уларнинг юз-кўзидида бахтиёрлик лаҳзаларидан сиз ҳам масрур бўлиб кетасиз.

Она қишлоғим бўлмиш Халқобод (Фузор тумани) да бир ой ичида хонадонлардаги қувончи кунлар, тўй-ҳашамларда эл билан бирга хушнуд дамларни баҳам кўрдик. Яна бир қувончли жиҳати, бу ҳудудда ҳам бошқа жойлардагидек аҳолининг яшаш даражаси ошган, деярли ҳар бир оилада чорва моллари-дан тортиб, турли техника, автомашиналаргача бор. Буларнинг бари муқтахиллик шарофатидан-да!

Истиқлол неъматлари беҳиёс ва кадрли. Юртимизга, тинчлик-осойишталигимизга кўз тегмасин, сарҳадларимиз дахлсиз, осмонимиз мусаффо бўлсин, дейман беихтиёр.

**Феруза ЭШОНҚУЛОВА,**  
инглиз тили ўқитувчиси,  
Қашқадарё вилояти.

Мулоҳаза

## МЕҲР АРДОҒИДА

Фарзандларнинг бахтиёрлиги, оила бағрида соғ-саломат униб-ўсиши ҳар бир ота-она дилига ҳаловат ва қувонч бағишлайди. Болалар хонадондаги барчаннинг меҳр ардоғида, парваришида бўлишади, десак муболаға эмас. Болажон халқимизга хос бундай эътибор замирида фарзанд — оила қувончи, деган ибора мазмуни муҷассам. Оилада боланинг ҳуқуқлари ҳам мутаносиб ҳаёт тарзимиз маънавиятимизнинг теран илдиэларига туташ.

Жойларда ўтказиладиган ҳуқуқий тарғибот тадбирларида ота-оналар бола ҳуқуқларининг қонуний асосларига ҳам қизиқишади. Биз бу борада миллий қонунийчилигимиз ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган меъёр ва талаблар ҳусусида батафсил маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

Ана шундай жонли мулоқотларда, айниқса ота-оналар дунёнинг айрим ўлкаларида болалар ўта қийинчиликда яшаётгани, ҳаёт кечиришнинг оддий шароитларига ҳам эга эмаслиги ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали эшитиб ачинишгани, бизнинг юртимиздаги беҳиёс шарт-шароитлардан чексиз хурсандликларини айтишади.

— “Соғлом бола йили” Давлат дастурига мувофиқ кенг миқёсда амалга оширилаётган ишларни бошқа қай бир ўлкада мисолини келтириш мумкин? — деб мулоҳаза билдирди муаллима аёл тадбирларимиздан бирида. — Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом, илм-маърифатли бўлиб вояга етишлари учун ғамхўрлик кўрсатиб, ҳар бир бола доимий эътиборда бўлиши таъминланмоқда. Бугунги ўқувчиларнинг билим доираси, ҳуқуқий қарашлари ҳам анча кенг экани беҳиз эмас.

— Кўп нарсаларни баъзан ўғил-қизларимиздан сўраб ўрганадиган бўлиб қолдик, — дейди яна бир онахон. — Болаларнинг уқуви баланд, кўз тегмасин. Ҳаммаси яратилган шароит, имкониятга боғлиқлиги аён. Ҳозирги ёшларга қанча ҳавас қилсанг ҳам оз.

Бу каби фикр-мулоҳазалар, ота-оналарнинг ўз фарзандларининг бугуни ва эртасига қатъий ишончини ёрқин ифодалаб турибди.

**Моҳира СОДИҚОВА,**  
нотариус.

## НЕВАРАМНИ ОЛИБ ҚОЛСАМ бу қандай расмийлаштирилади?

Куёвим ва қизим хорижга шартнома асосида ишлаш учун кетаётганини сабабли ёш неварамни бизга, яъни боланинг буви-бувасига ишонч билдириб қолдиришмоқчи. Бунинг учун боланинг ота-онаси бизга ишончнома бериши мумкинми ёки бошқача қандай тартиблар бор?

**Х. Сотиволдиев,**  
Бешариқ тумани.

Авалло ушбу ҳолат ишончнома орқали расмийлаштирилмаслиги, фақат васий ёки ҳомий тайинлаш орқали ҳал қилинишини қайд этиш жоиз.

2014 йил июль ойидан бошлаб амалда бўлган “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”-ги Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, туман, шаҳар ҳокими қарори билан ота-онанинг уэрли сабабларга кўра ўзларининг ота-оналик мажбуриятларини бажара олмайдиган давр учун ўзининг вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисидаги аризаси асосида васий ёки ҳомий тайинлашни мумкин, ушбу аризада аниқ шахс ҳамда васий ёки ҳомий ваколатларининг амал қилиш муддати кўрсатилади.

Вояга етмаган болаларнинг ота-онаси ўз соғлиғи ҳолатига кўра болаларига васийни ёки ҳомийни, агар унинг розилиги бўлса, белгилаши мумкин. Ота-онанинг ўз вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги аризаси болаларнинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига берилади.

Ота-онанинг ўз вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш ҳақидаги аризасини болаларнинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига янги ариза бериш йўли билан бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли.

Ун тўрт ёшга тўлган вояга етмаганга ҳомий вояга етмаганнинг аниқ шахс кўрсатилган аризасига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан тайинлашни мумкин.

Туман, шаҳар ҳокими вояга етмаганнинг отаси (онаси) ёки ота-онаси ёхуд ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаганнинг ўзи кўрсатган шахсни васий ёки ҳомий этиб тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарорини фақат бундай тайинлаш қонун ҳужжатларига ёхуд вояга етмаганнинг қонуний маффаатларига зид бўлган тақдирда қабул қилади.

Мақсуд Қонуннинг 27-моддасида белгиланишича: “Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум

қилинмаган ота-онаси бўлган вояга етмаганга васий ёки ҳомий, агар ота-онаси билан туриши ушбу шахснинг қонуний маффаатларига жавоб бермаслиги ҳамда унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун бевосита таҳдид мавжудлиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланса, тайинлашни мумкин.

Вояга етмаган васийликда ёки ҳомийликда бўлган даврда васийлик ва ҳомийлик органи унинг оиласини ижтимоий-педагогик жиҳатдан реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганни оиласига қайтариш масалалари бўйича, агар бу унинг қонуний маффаатларига зид бўлмаса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.”

Бундан ташқари мазкур Қонунда васийлик ва ҳомийликни тугатиш, васийнинг ва ҳомийнинг ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилиниши, ҳамда четлаштирилиши, васийликни ва ҳомийликни тугатиш асослари, васийнинг ёки ҳомийнинг ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилиниши, четлаштирилиши ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳақида кўрсатиб ўтилган.

Маълумот учун: Агар бола 3 ёшгача бўлса, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 235-моддасида белгиланишича: “Янги туғилган болаларни бевосита туғуруқ-хонадан фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга бола фарзандликка олинган (васийлик белгиланган) кундан бошлаб, бола туғилган кундан эътиборан эллик олти календарь кун (икки ёки ундан ортиқ бола асраб олинган (васийлик белгиланган) тақдирда эса етмиш календарь кун) ўтгунга қадар бўлган даврда давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақа тўлаган ҳолда таътил берилади ва уларнинг хоҳишига кўра, бола уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун қўшимча таътил берилади (234-модда).”

**Саволга Адлия вазирлиги масъул  
ходими Заҳро КАРИМОВА  
жавоб берди.**

## БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Никоҳни расмийлаштириш истагида ҳузуримизга келган ҳар бир йигит-қиз оила қуришга тайёри, уларнинг бу аҳду паймони фақат ҳавас туфайли эмасмикин, деган саволлар бизни ўйлантириши табиий ҳол. Ҳар куни деярли ўнга яқин жуфтлик шу мақсадда бу ерга умид билан қадам қўйишади. Дил қувончи, келажакка ишончи уларнинг юз-кўзларида акс этиб туради. Икки ёшга никоҳ ва унинг шартлари ҳақида айтганимизда “Ҳаммасининг урдасидан чиқса бўлади”, дейишади қатъият билан. Биз уларнинг бундай гўзал ва яхши тилаклари рўёбга чиқиши ўзларига жиддий равишда боғлиқ эканини таъкидлаймиз.

Ҳозирда ҳар бир маҳаллада “Саломатлик сектори” иш олиб бораётгани тарғибот тадбирларимиз янада самарали бўлишига яқиндан кўмак бўлаяпти. Хусусан, маҳалла аҳли тиббий кўриқдан ўтиш асосида уларнинг тиббий маданиятлари ҳам ошмоқда. Биргина мисол, авваллари никоҳдан ўтиш билан боғлиқ ишларда ёшлар билан бирга келган катталар “Бизнинг ота-буваимиз дўхтирсиз никоҳдан ўтаверишган, болам, авлод-аждодимизда бирор касаллик бўлмаган”, дея мулоҳаза билдиришарди. Бундай пайтда уларга тиббий кўриқнинг ҳаётий аҳамиятини тушуниргунимизча навбатда турган бошқа фуқаролар кутиб қолишарди. Ҳозирги вақтга келиб, бўлажак келин-куёвларни ота-оналарнинг ўзлари тиббий кўриқдан ўтказилишини исташади, шу мақсадда тиббиёт муассасасига бирга борадиганлари ҳам бор.

Бир куни навбатда турган икки ёшнинг ўзаро суҳбати эътиборимни тортди. Йигит ўқимиш-лига ўхшайди, қизга тиббий кўриқдан ўтишни фақатгина мажбурий деб эмас, бурч деб билишини ва бу келажакда улардан дунёга келадиган фарзандлар олдидаги масъулият эканини уқтирарди. Ёшларнинг оила масъулиятини дилдан англаганини ҳис қилдим, бу ҳам эзгу мақсадларда олиб борилаётган тарғибот ишларимизнинг ажойиб самарасини ифодалайди.

**Солиҳа ЎРМОҶОВА,**  
Бўка тумани ФХДЁ бўлими мудир.

Фаолият

## “ЎЗВИНОСАНОАТ ХОЛДИНГ” ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ



“Ўзвиносаноат холдинг” холдинг  
компанияси жамоаси

шундай шукуҳли кунларда барча  
ватандошларимиз ҳамда юртимиз  
меҳмонларини Истиклолимизнинг  
23 йиллиги байрами билан  
самимий муборакбод этади!

Ўз буюк келажagini барпо этаётган аزمи  
катъий, шижоати юксак миллатимиз жаҳон  
сахнида ўз салоҳияти, аждодларга муносиб  
куч-қудратини намоён қилиб, юртимизнинг  
нуфузи тобора ортмоқда. Мустақиллигимиз  
шарофати билан ҳар бир соҳада амалга  
оширилаётган туб ислохотлар самараси  
мамлакатимиз тараққиётида, жаннатмонанд  
юртимиз кундан-кунга тобора гуллаб-  
яшнаётганида ёрқин акс этаётир.

Осмонимиз доим мусаффо, она заминимиз  
тинч, дастурхонларимиз тўкин-сочин,  
файзиёб бўлаверсин!



## ЧОРТОҚ ТУМАНИДАГИ “ШУҲРАТ БАҲРОМ КОЗИМ”

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

*меҳнаткаш ва бағрикенг,  
бир-бирига меҳр-оқибатли  
барча юртдошларимизни  
азиз Ватанимиз Мустақил-  
лигининг 23 йиллиги шодиё-  
налари билан самимий қут-  
лайди!*



Гўзал диёримизда тинчлик-  
осойишталикда умумхалқ  
байрамимизни катта ютуқлар  
ва чексиз қувончлар билан қу-  
тиб олаётган элимизнинг  
ризқ-рўзи зиёда, ҳаётимиз  
янада фаровон бўлаверсин!

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КАТТАҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ “ПАРДОЗ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Қалбларимиз чексиз  
гурур ва ифтихорга  
янада тўлган шундай  
шодиёна кунларда  
диёримиздаги кенг  
бунёдкорлик ишларида  
хормай-толмай,  
сидқидилдан меҳнат  
қилаётган  
ҳамкасбларимизни ва  
барча  
юртдошларимизни  
Истиклол байрами  
билан чин қалбдан  
муборакбод этади.



Омад ва ютуқлар ҳамроҳингиз бўлиб,  
хонадонингиз файзу барака,  
бахт ва қувончларга тўлаверсин!

# ХАТТО ТОШКЕНТНИ ҲАМ КЎРМАГАН ОНАМ...

...Анча кеч тушиб қолди. Шундай бўлишига қарамай, уловларнинг кечаю кундуз қатновига ишониб, йўлга тушдим. Ҳа, қаерда бўлмайин, бир неча дақиқа бўлсин, Самарқандга қайтишни кечиктирмасликка ҳаракат қиламан. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ахир замонавий автоуловлар, кечаси ҳам ёриткичлар туфайли чароғон кўчалар, йўл давомида турли хизмат турларининг вужудга келгани бугун йўловчиларнинг кечаси ҳам узок сафарга чиқишига имкон яратган.

Аслида Тошкентга хизмат сафари билан боргандим. Ишларимни бир кунда битирдим-у, Самарқандга қатнайдиган автоуловлар тўпланадиган манзилга ошиқдим. Буни қарангки, таксидан тушишимни биламан, "Самарқандга, бир киши" дея одам чақириб юрган 50-55 ёшлардаги ҳайдовчига дуч келдим. Йўл ҳақини суриштиргандай бўлдим-да, дарҳол унинг ортидан эргашдим. Анча қоронги тушиб қолганди, шунинг учун бўлса керак, машинада ўтирганларга салом бердим, олдиндаги бўш ўриндиққа жойлашдим. Орқада ўтирганларга разм солмасам-да, уларнинг учаласи ҳам аёл киши эканлигини билдим. Бундан кўнглим анча таскин топди. Кўпчилик аёллар сингари мен ҳам узокроқ йўлга чиққанда ҳамроҳ йўловчилар хотин-қизлар бўлса эди, дея ният қиламан.

Хуллас, ҳайдовчи машинаси тўлганидан хурсанд ҳолда жўнади. Одатда йўлда бошқа йўловчилар билан камдан-кам ҳолда суҳбатлашаман. Деразадан табиати томоша қилиб кетиш кўпроқ маъқул. Орқадаги аёллар эса ҳайдовчи билан суҳбатни авж олдириди.

— Санаторийда дам олиб қайта-япман, соғлигим анча тикланди, — дейди овози бурро-бурро, дадил бир аёл. — Шароитлар жуда зўр экан, тиббиёт ходимларининг хушмуомалалигини айтмайсизми?! Энг замонавий асбоблар, топ-тоза, қулай шароитлари бор хоналар, таомлари истаган инжиқ кишининг ҳам кўнглини топадиган даражада.

Э, ҳайдовчи ака, нимасини айтасиз, ўзбек аёли ҳам ўз вақтида ишлаб, дам олишни ўрганяпти. Буни у ерга борган аёллар билан суҳбатлашиб билдим. Уқитувчи, тадбиркор, фермер, оддий уй бекаси. Ҳаммаси вақтини режалаштирган. Кейин десангиз, илгарилари санаторийларга кўпроқ шахарлик бекалар боришарди. Ҳозир кўрсангиз, санаторийдаги аёлларнинг 70 фоизини менга ўхшаган кишлоқ аёллари ташкил қиларов... Олдинлари кишлоқ аёлининг боши ишдан бўшамасди, кишининг аёзи дейсизми, ёзининг саратонида-ку қўяверинг. Юз-қўллари ёзининг жарамасидан қорайган, кишининг чиласидан буришган... Бунақа санаторийларга бориш қаёқда дейсиз. Оддий мисол, ўзимнинг онам, холам, аммамлар кун кўрмай ўтди, бечоралар. Дам ола туриб, шулар ҳақда ўйладим-да. Қанайди, ҳаёт бўлганларида, бирга олиб борардим, томоша қилдириб келардим. Кўнглим бузилиб кетади, шуларни эсласам... Аёл оғир хўрсиниб, жимиб қолди.

Тўғриси, аввалига энди йўл давомида санаторийдаги хангомалардан эшитиб кетамиз, деб ўйлагандим. Аммо аёлнинг мулоҳазалари диққатимни тортган, беихтиёр унинг суҳбати давомини эшитиш истаги уйғонганди. Унга томон ўгирилиб қарандим. Бугунги замонавий ўзбек аёли. Унчалик кишлоқ аёлига ҳам ўхшамайдими.

— Ўзингиз нима иш қиласиз, опа, ҳозир, — уни гапга тутмоқ учун савол ташладим.

— Фермерман, синглим, фермер, — деди юзини машина деразасидан мен томонга буриб.

— Санаторий анча ёқибди, шекилли, кўринишингиз унчалик дехқон, фермер аёлга ўхшамайди, — дедим ҳазиллашиб яна.



— Ҳа, синглим, боя айтдим-ку, бугунги кишлоқ аёли илгаригидай эмас, — тагин гапга тушиб кетди фермер опа. — Тўғри, ишимиз осон эмас. Дехқончилик пайдо бўлганидан бери ўз номи билан дехқончилик. Ерни яхши кўрсанг, меҳр берсанг, тинимсиз ишласанггина у ҳам сенга ўз мевасини беради. Акс ҳолда... Лекин ер ўзиникики бўлгандан кейин унга яна яна кўпроқ меҳр берадиркан-да. Биз ҳам оила аъзоларимиз билан тинимсиз ишладик. Шартномавий режалар ўз вақтида бажардик. Фаллани топшириб, озроқ дам олай, деб санаторийга югурдим-да. Тўғри, шу ёқда ҳам бир хаёлим доим далаларда, пахтада бўлди. Лекин ўз ишига меҳр қўйган киши борки, шундай бўлса керак, деб ўйлайман. Мана, ёнимдаги ҳамроҳим ҳам фермер хўжалигимиз аъзоси. Ўзингиз айтинг, Норхол опа, сизам мендан кам ўйламадингиз-а, экинларимизни. Намунча, нега бунчалик ўйга ботиб қолдингиз?

Аёл фермер опага қараб жилмайиб қўйди.

— Сеизбсиз-да, опа, — деди сўнг. — Ҳа-да, бизни боқадиган ер, томорқа бўлгандан кейин ўйлаймиз-да. Мен бояги "Онамини ҳам айлантриб келардим", деган гапингизни ўйлаб, ёшлик йилларим ёдимга тушиб, сизларни эшитмай қолибман-да.

— Э, сизлар жўжабирдай жон эдиларингиз, холам бояқиш жуда кийналган, эсимда, — маъқуллади фермер опа.

— Нимасини айтасиз, опа, — аёл айтсамми-айтмасамми, дегандай таралди. — Эсимда, кузнинг этни жунжиктирадиган тонглари, онам бизни соат тўрт бўлмай уйғотарди-

лар. "Пахтаси яхши очилган жўяклардан танлаб олинглар, кейин ҳамма эгаллаб олади", дердилар. Биз, ҳали 7-8 синф ўқувчилари уйқутираганча уйимиздан анча олис пахта далаларига отланардик. Онам бўлса примусда ичида фақат картошка ва пиёздан иборат шўрвача осардилар. Сигир боқишга ҳам имконимиз йўқ эди, шекилли ўша пайтлар. Сўнг бизнинг ортимиздан далага отланардилар. Мен қайтиб келгач, укаларимга оққатдан қуйиб бериб, бировини мактабга жўнатиб, бошқасини уйда қолдирганча, ўзим ҳам дарсларга югурдим. Мактабдан чиқибок яна далага, онамнинг ёнига. Шундан кеч тўққизларгача қолиб кетардик. Кичик укаларим бир амаллаб оққатни еб бўлибок хонтахта атрофида ухлаб

қолишарди. Тавба, одамзод ҳамма нарсага дош берадиркан-да. Онамнинг жони тошдан бўлганмикан, деб ўйлаб қоламан, ҳозир. Ўша пайтлар бирор "Бир кун келиб шу ерларга одамларнинг ўзи эгаллик қилиб, фермерлар пайдо бўлади. Хатто аёллар ҳам фермер бўлиб, сизга ўхшаб «Ласетти»лар миниб юради, дам олишларга боради", деса уни бир халпараст га йўйишарди, менимча...

Шу орада анчадан бери суҳбатга қўшилмай келаётган ҳайдовчи фермер опага юзланди.

— Зўрсиз-ку, "Ласетти" миниб юрасизми, опа, — деди ҳайратини яширолмай. — Айтдим-а, боядан бери "ён чирок"ни ёқмайсизми, "техкўриқдан қачон ўтгансиз", деб танбех бериб келаясиз...

— Турмуш ўртоғимнинг ўз машинаси бор, — жавоб берди аёл. — Давлат шартномасини бир неча йил ортиғи билан бажарганимиз учун фермер хўжалигимизга автомашина совға қилишди. Таваккал деб ўзим ўргандим-да, ҳайдашни. Далаларни ўз вақтида айланиб келишда жуда қўл келяпти-да.

Шу он орага яна жимлик чўқди. Магнитофондан таралаётган мумтоз мусиқа машинадагиларнинг кайфиятига ҳамоҳанг тушди. Гап-гап билан Сирдарё худудидан ҳам ўтиб, Жиззах вилоятига кирибмиз. Яна 20 дақиқалар юргач, ҳайдовчи "Опажонлар, узр-а, газ қуйволай, сизлар ҳам шу бахонада бир оёқларингиз чигилини ёзасизлар", деб қолди. Атрофни кузатаман. Бундан бир йилча олдин бу кимсасиз худудда фақатгина ёқилги қуйиш шохобчаси бўлар эди. Ҳозир бу ер катта бир хизмат кўрсатиш мар-

## Йўлдаги уйлар

казини эслатади. Бир қатор қурилган замонавий овқатланиш шохобчалари, йўловчилар учун усти ёпиқ алоҳида жой. Сув ичамизми, деб бир қаҳвахонага кирдик. Опоқ фартуқчалар таққан қизлар "чой, қаҳва, шарбат", дея сизга мулозамат кўрсатади. Кимсасиз, уй-жойлардан анча олисдаги бу гавжум худуд ҳақиқатан ҳам йирик хизмат кўрсатиш марказига айланганини тан олмай илож йўқ. Яна машинага чикдик. Бу манзарадан йўловчиларнинг кайфияти анча чоғ бўлгани шундоққина кўриниб турарди.

— Бир замонлар болалар билан Тошкентга борсак йўлда роса қийналардик-да, — шу пайтдан бери индамай келаётган учинчи йўловчи гапирди қолди. — Бир сумкам уларнинг тамадди қилишига ул-бул нарса, сув, сочиқчалар билан тўларди. Буни қаранг, ҳозир шуларсиз ҳам йўлга чиқса бўларкан.

— Анчадан бери Тошкентга бормаганимиз, дейман, синглим, — ҳайрон қолди фермер опа.

— Нимасини айтасиз, бир неча йилдан бери Ўзбекистонда эмасдим, — хўрсинди учинчи йўловчи.

— Қаерларда эдингиз? — ҳаммининг назари унга қаратилди.

— Уч-тўрт йил олдин хорижга пул топамиз, дея эр-хотин бирга кетгандик, — гап бошлади аёл. — Ўзим бу ерда ҳамшира бўлиб ишлардим, турмуш ўртоғим эса қўли гул уста эди. Бир кўшнимиз "Биз билан юринглар, у ерда усталар жуда яхши пул ишлайди", деявергач, хўжайиним қизиқиб қолди. Бордик, 5-6 йил ўша ёқда ишладик. Яхши ишладик, лекин унақа катта маблаг йиға олганимиз йўқ. Энг ёмони, қайтиб келгач, ўз ишимни топа олмадим. Узок йил бу соҳадан чиқиб кетган ҳамширани ким ҳам юрак ютиб ишга оларди. Мол-ҳол, томорқа қилишга жойимиз унча катта эмас.

Ҳозир бир-икки танишлар маслаҳати билан уйимизда кўзикорин етиштираяпман. Шу бўйича тошкентлик мутахассислардан маслаҳат ва уруғлик олиб қайтаёпман.

— Кўзикорин дейсизми? — қизиқди фермер опа.

— Ҳа, шундай, менам аввалига ҳайрон бўлдим, — дея суҳбатини давом эттирди учинчи йўловчи. — Кўзикорин хатто тупроққа ҳам экилмайди. У тахта қипкилари устида униб чиқаркан. Ишониб-ишонмай, бу ишга қўл ургандик, натижаси ёмон бўлмади, яхшигина даромад олдик. Ҳозир бечамар йилларим болалардан узокда, қанча кетганини ўйласам, энди афсус чекаман.

— Хафа бўлманг, мана, шароитингизни ўнглаб олибсиз, фарзандларингиз соғ-омон экан, шунга шукур қилинг, — далда берди Норхол опа.

Машинада яна жимлик чўқди. Бу сафар у анчага чўзилди. Чарчаган йўловчиларни бир пас уйқу элитганди...

Узоқдан яшил, нафармон, оқиш, қўши неон чирокларининг ял-ял шуълалари қоронғилик ичра бирдан қўзғал ташланди. Шу чироклар шуъласидаги катта таблода "Қадим ва навқирон Самарқандга хуш келибсиз!" деган ёзув барчанинг эътиборини тортди.

— Самарқандга етиб келдик, Худоба шукр! — деди фермер опа.

Йўловчиларнинг ҳаммаси яна бир гимнлаб қолди. Кимдир сумкасини тўғрилаган, кимдир қариндошига кўнграқ қилган... Шу орада учинчи йўловчи аёл фермер опага "Бояги санаторийнинг манзилини беролмайсизми, менам онамини жўнатсаммикан, деб ўйлаб қолдим", деди.

"Албатта айтаман, синглим, жўнатиб, армонда қолмайсиз"...

Гулрух МҶМИНОВА.

— Дилнозахон, болалик инсон умрининг бебаҳо ва бетакрор дамлари саналади. Инсон зоти учун энг бетакрор ана шу фасл ҳақидаги фикрларингизни эшитсак?

— Болалигимда шўх-шадод, эркатой қиз бўлганман. Дадам жудаям бағрикенг, кўнгли бўш, онам эса тарбияда жуда қаттиққўл эди. Уйни озода тутиш, саранжом-сарихталиқни талаб қиларди. Вақти келганида яқин дўстга айланарди. Ҳар куни кечки овқатдан сўнг уйда оилавий мажлис бўларди. “Дада, ойи, мен гапирсам майлими?” дея рухсат сўраб, фикримизни билдирардик. Дадам ишдан келганидан кейин қани артист қизим, бир рақсга тушиб беринг-чи, дерди. Боғчада ўрганган рақсимни ижро этиб берардим. Дадам менга жуда ҳам эътиборли эди. Айниқса, шеър ёдлаётганимда тиниш белгиларига риоя қилиб, ифодали ўқиниш маслаҳат берарди. Устозим Мавлуда Абдуллаева дарс жараёнида она ҳақида шеър ўқиб қолса, бирдан кўзимга ёш келарди. Бошқаларнинг-ку у қулоғидан чиқиб кетарди, мен эса роса таъсирчан эдим. Шундай таъсирчанлик, эмоционал ҳолат ёшлигимдан бошланган, деб ўйлайман. Билган нарсамни ҳам дарров айтгани уялиб, тортиниб турардим. Ҳозирдаги бу хислат баъзида панд берса, кўпинча фойда ҳам берарди. Кўпчилик орасида турсам, навбатим келганида сўзлашмай менга бир зийнат бергандай туюларди. Ҳеч ким менга санъаткорларга нисбатан жуда ёмон гаплар, қарашлар бўлади, бошқа касбнинг эътибордан тўт, деб айтмаган. Дадам — Оқилбек Кубаев биология-физиология факультети номзоди, доцент. Онам — Ойибий Хабибова иқтисодчи, улар зияли инсонлар бўлгани учун мени ўзлари қўллаб-қувватлашган.

Санъатни танлашимга битта эълон сабаби бўлганини айтсам, кўпчилик инсонмас балки. Лекин рост. Бир куни радио орқали “Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейи адабиёт, суҳандонлик, тарих, рассомчилик, инглиз тили йўналишлари бўйича ўқувчиларга танлов эълон қилиди”, деган хабарни эшитиб қолдим. Хуллас, ўша лицей Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтига ўқигиша киришимга пойдевор вазифасини ўтаган.

— Сиз ижро этган илк ролингизга жамоатчилик ҳамда мухлислар қандай баҳо беришган? Кейинги йилларда яратган образларингизга-чи?

— “Тақдир чархпалаги” деб номланган фильмда Лайло ролини ижро этганман. Очиги, илк ролимдан кўнглим тўлмаган. Жамоатчиликнинг фикри ҳам яхши бўлмаганди. Ўша кезлари кўшиқчиларнинг фильмда бош қахрамонлар ролини ўйнаши урфга кирганди. Бу ҳам худди шундай мавзудаги фильм эди. Жамоада тажрибасиз ижодкорлар кўп бўлса, бўш асар зузага ке-

# КУЛСА КУЛАСИЗ, ЙИҒЛАСА ЙИҒЛАЙСИЗ

ёхуд Ўзбек миллий академик драма театри актрисаси  
Дилноза Кубаева ҳаёти ва ижодига бир назар

Театр ҳамда кинодаги роллари орқали сеvimли рафиқа, келин, она, масъулиятли ходим, тақдир синовларида қолган аёл қиёфасини гавдалантираётган иқтидорли актриса Дилноза Кубаеванинг ҳар бир ҳаракатида самимийлик уфуриб туради. Қулганда кулсизга, йиғлаганида кўз ёшларининг ҳақиқийлигига томошабинни ишонтира оладиган маҳорат соҳибаси у.



лади. Професионал, ўз касбининг усталаридан иборат бўлган жамоада эса одамларни ўйлашга ундовчи магизи тўқ асарлар яратилади. Ҳозирда анча танлаш имконияти бор. Мақтанишга йўймангу, лекин дидим, савиям ошган деб ўйлайман. Ролларим анча мукамал ёзилган, вазифаси, қахрамонимни гапирадиган гапи, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатадиган жиҳатлари бор. Мен яратган қахрамон томошабининг юрагидан из қолдиришини истаймман. Ролларимни кўрган мухлислар жиддий мулоҳаза юритсин, хулоса қилсин, дейман.

— Табиийки, ҳамма оилада ҳам майда-чуйда можаролар учраб туради. Одатда, бундай пайти ҳаммиша аёлдан кечиримлик кутилади...

— Сеvimли адимимиз Тоҳир Малиқнинг ривоят ҳамда ҳаётий воқеаларга асосланган “Одамийлик мулки” номли китобда муаллиф аёлни ҳам, эркекни ҳам оқламайди, бирини бирдан устун қилиб ҳам кўрсатмайди. Ҳаёт синовлари олдида иккисини ҳам баравар бурчли эканини эслатади. Хуллас, битта оиланинг бахти учун эркек ва аёл, ақлини таниган бола ҳам курашиши зарурлигини уқтиради. Балки аёлнинг жони қирқта, деган фикр одамлар онгига сингиб кетгани учун ҳам унинг зиммасига кўпроқ масъулият юкланар. Бу икки жинс вакиллари бирини бирдан устун қўйиш мақсадга мувофиқ эмас, икковининг ҳам вазифаси оила учун бирдай тош босади. Биз аёллар ҳаммиша эркекларнинг хурматини жойига қўямиз, уларни хурмат қилиб, уйнинг тўрига ўтказамиз, йўл берамиз. Мана шу хислатларимиз ақлида зийнатдир, бу бизга ярашади. Аёлнинг бир поғона пастга тушиши дегани эркекни ҳам қандай вазиятдаям

эркалик қилишга, уй тўрида ястаниб олиб ётишга, кўча-кўйда истаганча маишат қилишга ҳаққи бор, дегани эмас-да. Албатта, аёл адашганда эркек, эр хато қилганида аёл кечиримли бўлиши керак, ўшандагина оила мустаҳкам бўлади. Биласизми, битта никоҳни бузган, қадрга етмаган одам иккинчисини яна бемалол буза олади. Фикримча, умр йўлдошини асраб-авайлаб, битта никоҳдаги аёл билан яшаётган оиладаги болаларнинг руҳияти ҳам теки бўлади. Уй-хона бузилмайди. Яхши оила жамиятнинг дуру ҳаваари, деб бежиз айтишмаган. Агар оила ноаҳил, ундаги одамлар маънан касал бўлса, ўша хонадоннинг эртасига ишонини қийин.

— Айтайлик, бугун сизга аёл образини топширишди. Қахрамонингизнинг ички кечинмаларига мени ёки унинг ташқи қиёфаси, ижро маҳорати ургу берасизми?

— Сценарийни ўқиганимдан сўнг ҳаёлимда секин-аста бир сурат гавдаланади. Лекин бу қиёфа унчалик муҳим эмас. Уни имиж ёки либослар орқали бойитиш мумкин. Энг асосий вазифа қахрамонимнинг ички кечинмаларини ифодалаб бериш ва унга томошабинни ишонтира олиш. Бирор янги асарни сахналаштиришдан олдин гуруҳимиз билан йиғилиб, радиопостановкага ўхшаб, ролимизни ўқиймиз. Режиссёр худди гиштини қолипига қуйгандек, ҳар биримизнинг ролимизни юрагимизга жойлайди. Қахрамонимиз ҳақида ўзимизнинг фикримизни сўрайди. Унинг вазифаси нима, қандай можароларга дуч келади-ю, нимага бунақа ҳатти-ҳаракат қилапти? Устозларимизнинг ролни қандай қилиб очиб бериш ҳақида берган сабоқларига таяниб ҳаракат қиламиз.



топаман-да. Сахийликни ҳам меъеридан оширишнинг хожати йўқ, жуда зарур бўлсагина жоиз. Ўғлим учун сарф-харажатни ортиқ даражада қилмайман, меъерни бузмайман. Чунки ота-онам бизни шунақа катта қилишган, уволу исрофгарчиликдан кўрқаман. Пул топиш яхши, уни ақл билан тўғри сарф-харажат қилиш, унданам яхши.

— Ўз ҳаётингизда кеча билан бугунни нима боғлаб туради?

— Олдинга ёш бошимга анча ташвишлар тушди, муаммолар гирдобидан қолган пайтларимда ҳам нолиб йиғламадим, сабр қилдим. Пешонада бор экан, чидаймиш, деб ўз-ўзимни юпатиб, тинчлантирдим. Шукрки, яна қайноқ ижод билан бандман. Санъатнинг ортидан озми-кўпми оёр-эътибор орттирдим. Ижодимни хурмат қилардим, эътибор билан кузатадиган мухлисларим бор. Уларнинг зийрак нигоҳлари ҳаммиша мени хушёр бўлишга, изланишга ундайди. Ўз ҳаётим, тақдиримда кеча билан бугунни кечаги хулосаларим, хотираларим боғлаб туради. Кеча қилган хатоларимдан олган хулосаларим бугунимга йўл бўлади. Илк хотираларим яшашимга куч берса, ёмон кунларим мени сабр-тоқатга, ўша хатоларни бошқа такрорламаслигимга кўприк бўлиб хизмат қилади.

— Санъаткор аёл учун энг бахтли давр қайси давр?

— Биласизми, агар шон-шухрат келсаю оиланг нотинч бўлса, бахт татимайди, бу бутун бахт бўлмайди. Қани энди, сени тушунадиган умр йўлдошинг бўлса, авайлаб-асраб ролларингга ўзи кузатиб қўйса. Спектакль ёки кинодан кейин бутун оиланг, ўғлинг, қизинг, эринг гуллар билан кутиб олса... Хуллас, бир-бирисиз бўлмайди-да. Санъаткор аёл учун ҳам бахт оиласининг тинч-тотувлиги, ёнида жуфти бўлиши. Яқинларини унга нисбатан беминнат ва бетамиз эътиборида. Агар оилангиз нотинч бўлса, режиссёр сиз орзиқиб кутган ролни берса ҳам уни мазага қилиб, чин дилдан ўйнолмайсиз. Ишда масъулиятли ҳамкасб, топширилган вазифани аъло даражада удалайдиган актриса, уйда сеvimли рафиқаю, меҳрибон она, яхши келин бўлиши — аёлнинг БАХТИ.

“Оила ва жамият”  
мухбири  
Нигора РАҲМОНИВА  
суҳбатлашди.

## Ватан махалладан бошланади

МЕҲР-ОҚИБАТ  
МАСКАНИ

Обод юртга тўй-тантаналар ярашади. Диёриимиздаги қай бир ғўшага борманг, энг улуг, энг азиз байрамимизни муносиб нишонлашга қизгин ҳозирлик кўрилатганининг гувоҳи бўласиз. Айниқса, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўлами кенгайиб, янгича суръат касб этмоқда.

Иштихон туман марказидаги "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ана шундай изланишларнинг гувоҳи бўлдик. Мазкур маҳаллада амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўрган кишининг бахри-дили очилади. Мезбонлар бизни маҳалла марказига бошлашар экан, кенг ва ёруғ, шинам қилиб безатилган хоналарни бирма-бир кўрсатишиб, маҳалла ҳаётини хошнудлик билан таърифлай бошлади.

— Маҳалла биносига киришдаги мана бу жой қабулхона, — дейди "Ўзбекистон" МФЙ раиси Исоқул ака Умрзоқов. — Фуқароларимиз бирор-бир тақлиф, мурожаат билан келишса, шу ерда фаоллар билан маслаҳатлашиб, муаммосини ҳал этишади. Ўтган йиллар мобайнида маҳалламизда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Замонавий уй-жойлар, маданий-маиший иншоотлар, савдо шохобчалари қурилди. Кенг ва раvon йўллар, гулзорлар барпо этилди. "Тошкент — Бухоро" автомобиль йўли ёқасига маҳалладошларимиз билан 300 туп арча, 6 мингга яқин мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказдик. Табиийки, бу ерда истиқомат қилаётган 8500 нафар аҳолининг ҳаёт тарзи кундан-кунга янада яхшиланиб, ҳар қадамда ажойиб ўзгаришлар давом этмоқда. Жорий йил мобайнида худудимизда биронта ҳам жиноят ёки ноҳўя иш содир бўлмаганлиги фаолларимиз ютуғи десам, янглишмайман. Маҳалладошларимиз ўз худудини ободонлаштириш ишларига ўзгача иштиёқ билан

ёндашишади. Шу мақсадда мавжуд 16 та кўчага кўчабошилар тайинланган.

Яқинда Амир Темура кўчасини тоза ичимлик суви билан тўлик



таъминладик. Келгусида Ойбек ва Бобур номли кўчаларда ҳам бу масала ижобий ҳал этилади. 100 та симёғочга тунги ёриткич ўрнатишда туман электр тармоқлари корхонаси яқиндан ёрдам берди. Маҳалламиз марказида хусусий тадбиркоримиз Халим Тошматов ўз маблағи ҳисобидан маиший хизмат мажмуасини қуриб ишга туширди. Натихада 12 нафар йигит-қиз учун янги иш ўрни яратилди. Дилдора Турובה ўз уйида куроқ кашта, кўрпа ёстиқ тайёрлаб, ўнлаб шоғирдлар тарбияляпти. Маҳалладошимиз Шарофат Жўраева очган "Мадинабону" ўқув марказида ёшларга пишириқ тайёрлаш, тикувчилик, қандолатчилик сирлари, ҳамширалик ўргатилмоқда, тил сабоқлари берилмоқда. Яна бир тадбиркоримиз Дағар Ҳамроев яқинда дўкон очиб, аҳоли учун сифатли колбаса ва гўшт маҳсулотлари етказиб бермоқда. Худудимизда Р.Ҳалимов раҳбарлигида 40 турдаги пойабзал ишлаб чиқараётган "Иштихон чарм пойабзали" корхонасида ўнлаб ёшлар меҳнат қилишмоқда. Асосий эътиборимизни кам таъминланган, боқувчисини йўқотганларга кўмак беришга қаратганимиз. Турли тадбирларга, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга тадбиркорларни жалб этапмиз.

Дарвоқе, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўзгалар корига яраётган Мавлонжон Оқилов ўз ҳисобидан ҳар байрам арафасида эҳтиёжманд оилаларга кундалик зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечакни совға тариқасида таркатади. Ҳомийлар ёрдамида қуриб битказилган замонавий маҳалла марказимизни чиройли гиламлар билан ҳам Мавлонжон таъминлади.

Йиғин раисининг таъкидлашича, ҳар бир хайрли тадбирни амалга оширишда маҳалла фаоллари, кўчабошилар, фахрийлар, тадбиркорлар ўзларини четга олишмайди, имконлари етгунча кўмаклашишади. Айниқса, маҳаллада, оилаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтиришда, ёшларни "оммавий маданият", диний экстремизм, миссионерлик ва ақидапарастлик каби иллатларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш мақсадида маърифий тадбирларни ўтказишда ҳам уларнинг хизмати катта.

— Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилган, — дейди маҳалла фаоли, тадбиркор Мавлон ака Оқилов. — Мустақиллик халқимизга озод ва фаровон ҳаёт, буюк келажакка ишонч туйғусини ҳада этди. Истиқлол берган имкониятлар ҳақида ҳар қанча гапирсак, унинг неъматларидан ҳар қанча фахрлансак-да оз.

Дарҳақиқат, бошқа худудларда бўлганидек, бугун биз мухта-саргина сўз юритган "Ўзбекистон" маҳалласи ахли ҳам тинч-осойишталикда фаровон ҳаёт кечирмоқда. Улар билан яқинроқ танишсангиз, аҳиллик, тотувлик ва ҳамжихатлик ҳукмрон бўлган бу ғўша аҳлининг турмуш тарзи юртимиздаги янгиликлар, ўзгариш ва бунёдкорлик ишларига ҳамоҳанг эканлигига гувоҳ бўласиз. Муҳими, улар ўзлари умргузаронлик қилаётган маскани миллий қадриятлар, урф-одатларимиз, ўзбекона бағрикенгликнинг маънавий кўргонига айлантирган меҳридарё инсонлардир.

**Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,**  
**"Оила ва жамият"**  
**муҳбири.**  
Самарқанд вилояти.

Реклама ўрнида

## Уқинг, қизиқ...

## БУРУН КАТТА БЎЛСА...

Бурун катталиги одамни шамоллашдан асрайди. Одамнинг бурни қанча катта бўлса, ҳавотомчи орқали келиб тушувчи чанг ва бактерияларни тўсувчи табиий "девор" вазифасини ўтайди. Бурни катта кишилар нафас олганида бурни кичикларга нисбатан зарарли моддаларни 7 фоиз камроқ "сўришади". Йирик бурун хатто поллинозга чалиниш хавфини пасайтиради.

## РОК-МУСИҚА КОНТУЗИЯСИ

Хедбенгинг — бошни рок-музиқа оҳангида силташ мия контузиyasi ёки бош миянинг енгил жароҳатланишига сабабчи бўлади. Янги Жанубий Уэльс университети олимлари рок-концерт пайти ишқибозлар бир дақиқада 146 мартагача бош қоқишларини санашган. Шу боис бу турдаги концерт намойишидан чиққан аксарият мухлисларнинг шифокорларга мурожаат қилишлари ажабланарли эмас, албатта.

ХАФАҚОНГА ЧАЛИНМАЙ,  
ДЕСАНГИЗ...

Сут маҳсулотлари хафақон(гипертония)дан асрайди. Олимлар ёғсизлантирилган сут маҳсулотларини мунтазам истеъмол қилувчи кишилар хафақонга 7 фоиз камроқ чалинишини бир қатор тажрибаларда ўрганиб аниқлашган. Буни томирларда қон босимини тартибга солувчи кальций, калий сут маҳсулотларида кўп бўлиши билан изоҳлашмоқда.

## АЛКОГОЛЬ ВА КОФЕИНСИЗ

Америкалик геронтолог мутахассислар иссиқ об-ҳаво ёки ҳазирама кунларда саломатлик борасида куйидагиларга янада эътиборли бўлишни тавсия этишади:

\* Фақат сув ёки алкоғолсиз ичимликлар ичиш, уларнинг таркибига кофеин бўлмаслиги жоиз. Суюқликларни тўғри истеъмол қилаётганингизни пешоб рангининг қанақалигидан билса бўлади. Дейлик, қуюқ ранг яна кўпроқ сув ичиш лозимлигини кўрсатади.

\* Тез-тез душ қабул қилиш.

\* Сунъий матолардан тайёрланган кийим-кечакларни киймаган маъқул. Эгнингиздаги кийимлар очиқ рангли ва табиий матолардан тикилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

\* Дори-дармонларни қабул қилиш ва дозаси ҳақида шифокор билан маслаҳатлашиш керак. Чунки диуретиклар (пешоб ҳайдовчи воситалар), шамоллаш ва ялғиланишга қарши воситалар, артериал қон босимини туширувчи дорилар, сульфаниламидлар (бактерияларга, замбуруғларга қарши дорилар), айрим вирусларга қарши дори-дармонлар, антибиотиклар иссиқ об-ҳавода ўз таъсирини ўзгартириши мумкин.

"АИФ" материаллари асосида тайёрланди.



РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қунидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ойи ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириқлар — 3 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1

ой.

Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирнок, киприк ўстириш ва дигепляция — 1 ой

Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо кути ва саватлар ясаш — 1 ой

Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Кўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

## БИР ҲОВУЧ ДУР

Кўрдимки, вақтини "эссиз", "қашийди", "қошки"лар билан ўтказган кишининг умри энг қисқа экан.

Нажмиддин Кубро

\*\*\*

Ёмонлик бутун нуқсонлар мажмуидир.

Ҳусайн Воиз Қошифий

\*\*\*

Қучли одамларга ярашмайди-ган иш — қучсизлардан қасос олиш.

Алмайий


# «СОҒЛИК – МУҲАББАТ – ХОЛИС ХИЗМАТ»

**NUGA BEST**

## NUGA BESTдан янгилик

Инсон организмда умуртқа погонаси бевосита одамнинг жуда муҳим органлари таъсир ўтказади. У асаб (нерв) системаси билан боғлиқ. Асаб системаси шундай жойлашганки, умуртқа погонаси бўйлаб бошқа органларга етиб боради. Умуртқа погонаси соғлом бўлмаса, бошқа органлар ҳам оғрий бошлайди. Умуртқанинг ҳар бир погонасига ажратилган алоҳида жой мавжуд. Умуртқалар орасида жойлашган дискларнинг сиқилишига йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир аъзо, айниқса, умуртқа погонасига олдиндан эътиборли бўлиш шарт. Соғлигимизни асрашнинг ўзига хос усул ва воситалари кўп, албатта. Жанубий Кореянинг NUGA MEDICAL компанияси бу борада ажойиб бир усулни тақлиф қилиб келмоқда. Хозирда компаниянинг

лактика қилиш учун зарур узун тўқинли инфрақизил нурларни, паст частотадаги импульсли тоқларни, доимий магнит майдони ва бош-



қаларни ўзида жамлаштирилган.

Очигини айтганда, одамлар кўпинча вақти йўқлиги ва бошқа сабабларни баҳона қилиб, ўз соғлигига етарли даражада эътибор беришмайди, ҳафсаласизлик қилишади. «NUGA MEDICAL» компанияси махсулотлари эса бу борада бизнинг коримизга ярайдди. Асосан, уйда фойдаланишга мўлжалланган ушбу жиҳозларни касалхона ва клиникаларга, сиҳаттоҳ дам олиш масканлари, фитнес клублар, гўзаллик салонлари ва ишхоналарга ўрнатиш мумкин.

Унинг ишлаш тарзи ҳам жуда оддий.

Жиҳознинг ички қисмида кимматбаҳо турманий керамикали филдираклардан аравача жойлашган. Аравача у ёқдан-бу ёққа ҳаракат қилибгина қолмай, умуртқа погонасининг аниқ бўлимларидея тўхтайдди. Бу эса ундаги қисмларнинг керакли даражада қизишига шароит яратиш учун муҳим ва зарур. Сезилмаган тарзда умуртқа погонасида чўзилиш содир бўлади. Массаж вақтида тананинг орқа қисмида мавжуд турли касалликлар шифо топади. Узун тўқинли инфрақизил нурларни умуртқа погонасини соғломлаштиради. Тана ҳарорати қанчалик баланд бўлса, қон айланиши ҳам шунчалик кучли бўлади. Бунинг натижасида танада тозаланиш жараёни кеча бошлайди. Одатда, сеанс тахминан 40 дақиқани ташкил қилади. Организмни тиклаш аниқ белгиланган вақтни талаб қилади.

**Кўшимча маълумотларни куйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: (+99898) 362-19-99; (+99894) 6969888. Сайтимиз: nugabest.uz, e-mail: davroninat@mail.ru**

**Махсулотлар сертификатланган. №1338702  
Лицензия № US0298**

**РЕКЛАМА ЎРНИДА**

Шу ўринда узун тўқинли инфрақизил нурларни турманий керамикаси қадимдан фойдаланиб келинган. Унинг соғлиққа таъсири самарали бўлиб, ундан таралган иссиқликни ўз раҳмида боласини

иситаётган она берган иссиқлик билан қиёслаш мумкин. Инсон организм учун шундай иссиқлик муҳим саналади. Инфрақизил узунтўқинли нурларни ўз соғломлаштириш таъсирини ўтказган ҳолда организмнинг энг чуқур жойлашган қисмларини иситиши мумкин.

Бундан ташқари, Nuga Best NM-5000 массааж каравоти турмалин эритмасидан ясалган шолча ўрнатишган. Турмалин доимий электр қувватига эга бўлиш билан бирга унда инфрақизил нурлар ва манфий ионлар тарқатиш хусусияти ҳам бор. Кўшимча беш шарикли проектори тананинг (юрак қисмидан ташқари) турли касал ва оғриётган қисмларига қўйилади. Организмнинг муҳим бўлимларини тозалалаб, қон айланишини кучайтиради. Яна, массааж каравотидаги паст частотали каравот орқали электр қуввати ёрдамида мушаклар қисқариб, тонусга келтирилади. Натижада мушаклардаги оғриқлар тўхтаб, йиғилган ёғлар эрий бошлайди.

Nuga Best – даволашда тиббиёт дори-дармонларига муқобил бир воситадир.

Энди NUGA BESTдан янги NM-5000 plus массааж каравот савдога чиқди. NUGA MEDICAL компанияси ҳаммиша изланишда ва соҳада янгиликлар яратмоқда.



**NM-5000  
каравот-массаажери**

**РЕКЛАМА**

*Кўзгу*

## КУТИЛМАГАН БАХТ

...Ишларим кўпайиб кетиб, тушликка бироз кечикдим. Зебининг хонасига кирсам, уч-тўрт қизлар бир-бирига гап бермай гурунглашишпти. Аввалига нима гап-гап тушунмадим, кейин билсам, тунов кунни тўйи бўлган Гулюз ишга тушган экан.

Барно келинчакнинг устидаги пальтосига, Нигора эса унинг бўйнидаги тилла занжирига, қўлидаги ажабтовур узукларига суқ билан тикилар, “вой бунча бахтлиси-а”, деганча бирини олиб, бирини қўйиб, тақиб кўрарди. Гулюз ўзида шунча “ноёб” нарсалари борлиги учун атрофидагиларга беписандлик билан боқарди.

— Гулюз опа, шунча тақинчоқларингиз бор-а, бунча бахтлиси, — Менда эса бор-йўғи биттагина сирга бор, — ўкинди Нигора.

— Ҳали бу ҳаммаси эмас, уйда яна тўрт-бештаси турибди, — бамайлихотир жавоб қайтарди келинчак.

— Қўлингиздаги оқ кўзли узук жуда чиройли экан, қимма бўлса керак, — чой узатаётиб сўради Муқаддас опа.

— Агар бунинг нархини айтсам, тобингиз қочиб қолади, опа. Сиз бунча пулни ушлаб ҳам кўрмагансиз, — пичинг қилди Гулюз.

Муштдек қизнинг гапи Муқаддас опанинг ҳамиятига тегди.

— Тўғри айтасиз, бир бева аёл бўлсам, менда шунча пул нима қилади? — деди-ю, секин ташқарига чиқиб кетди.

Қизлар Гулюзга «Нега ундай дединг?» дея қойишган бўлиб, ҳаммалари жой-жойларига тарқалишди.

Кечки пайт бир хужжат керак бўлиб, қўшни хонага кирсам, Муқаддас опа тушкун кайфиятда ўтирибди. Мени кўриши билан “Ростдан ҳам Гулюз бахтли қиз-а, ҳамма нарсага осонлик билан эришади, айтган гапи кўнглимга оғир ботди”, деди гамгин оҳангда.

— Кўйсангиз-чи, опа, сиздек ўқимишли, зиёли аёл фарзандингиз тенги, ҳали ҳаётнинг қадрига етмаган ёшгина шу кизнинг гапига хафа бўляпсизми? Ота-онасининг эркаси у, нима кўрибди, ҳали кўрамиз, ҳаммаси олдинда.

Шу пайт эшик очилди-ю, гапимиз бўлинди. Ичкарига Муқаддас опанинг университетда таҳсил олаётган ўғли Олимжон кириб келди.

— Яхши келдингми, болам, хўш, — ўғлини кўриб опанинг ранги ўзгарди.

— Ойижон, мени табриклашингиз мумкин. Университетда ўтказилаётган билимлар бешлашув ҳақида гапирувдим. Биринчи ўринни қўлга киритдим. Энди ўқимимни хорижда давом эттиришим мумкин экан, — жилмайди ўғли.

Муқаддас опа кўзларига қўйилиб келаётган севинч ёшларини тўхтатишга қурби етмади. Қўнгли юмшаб, ўғлини маҳкам бағрига босди. Шу тобда боягина бахтни бойликка қиёслаётган қизларнинг, келинчак Гулюзнинг гап-сўзлари хаёлимдан ўтди. Назаримда, ўша лаҳзада онасининг кўксига бошини қўйган боладан, жиҳарбандини меҳр билан бағрига босаётган онадан-да бахтлироқ инсонлар йўқ эди...

**Дилфуза МИРОБИДОВА**

## ҲОЛИС ХИЗМАТ

Ҳар кун оз-оздан аччиқ қалампир истъомол қилиш орқали ваздан кутилишга ёрдам бериб, ташқи кўринишни яхшилайдди. Шу билан бирга, ақлий салоҳиятга ҳам маълум даражада ижобий таъсир қилади.

Сочларингиз ранги оч сарик тусга киришини истасангиз, хинага лимон шарбати ва бир дона тухум қўшиб сочингизга суринг. 40 дақиқадан сўнг яхшилаб ювинг.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, одам организмда суқлик етишмаслиги ҳам сурунқали бош оғриғига сабаб бўлиши мумкин.

Бир стакан қайноқ сувга бир ошқошиқ мойчечак солиб, 20 дақиқа давомида тиндириб қўйинг. Кейин уни доқадан сузиб олинг. Ушбу тиндирма билан кўзларингизни тез-тез ювиб турсангиз, кўз мишқаридаги зарарли моддалар чиқиб кетади ва улар турли хил инфекциялардан ҳимояланади.

Меҳмон кутганингизда ҳеч кимнинг кайфияти бузилмаслигини истасангиз, меҳмон болалар қўли етадиган нозик буюмларни четга олиб қўйишни унутманг.

Чойни шиша ёки чинни идишларда, идишнинг оғзи ёпиқ ҳолда сақланг, шунда унинг хўшбўй ҳиди йўқолмайди.

Асал инсонга қувват бағишлаб, иммунитетни мустаҳкамлайди ва қаришнинг олдини олади.

Товонлардаги ёриқларни кетказиш учун ҳафтада икки марта оёқларингизни буглаб, кўпиктош билан ишқаланг. Муолажа тугагач, унга вазелин ёки ёғли крем суриб, табиий матодан тайёрланган пайпоқ қийиш лозим.

**Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.**

## NUGA BEST КОМПАНИЯСИНING ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МАСЪУЛ ВАКИЛИ

Ўзбекистон Мустақиллигининг 23 йиллиги байрами билан бағрикенг ва меҳмондўст Ўзбекистонликларни самимий муборакбод этади!

Компаниямиз шиори: “Соғлиқ — муҳаббат — холис хизмат”

**РЕКЛАМА**

# ТИРИКЛИКНИНГ ЎЗИ БАХТ

Буни ҳаёт дейдилар

## Мактубдан парча:

“Дунё дунё бўлиб яралибдики, эзгулик билан ёвузлик, яхшилик билан ёмонлик ёнма-ён. Аянчлиси, илмпеша ва зиёли кишилар кўпинча юзаки билимга, аниқроғи, тагида тоза суви қолмаган “кўпик”ка ўхшаш маълумотгагина эга, аммо бошқик олдида хушомадни эшилиб-тўлғониб эплайдиган лаганбардорлар ва ўз айбини, билимсизлигини, нотавонлигини хаспўшлаб барчанинг олдида нуқсонларини ювиб-ёядиган, бировнинг раҳмини келтириш учун сохта кўз ёши тўкадиган, аслида ҳасадгўй, шухратпараст, амалпараст, дўппи тор келганида бегуноҳга тухмат қилишдан тоймайдиган, ҳатто ўз манфаати учун дўстларига панд бериб кетадиган шахслар соясида қолиб кетадилар. Аммо асл зиёли тоифа бундан заррача оғринмайди, чунки одамлар орасида уларнинг мансаби эмас, истеъдоди, тажрибаси ва ана шулар ортидан ҳалол йўл билан толган мартабаси муҳимроқ ўрин тутати. Бугун мен биринчи марта бунга яна иймон келтирдим.

Олис кутилган хизмат сафарида зиёли ва илмли инсонларнинг доим ғолиб чиқишларини менга ҳар қадамда панд бериб келган кимсаларга исботлаб беролганимдан бахтиёрман, Норгулм. Дунё кўрган олимлар олдида юзим ёруғлигидан қувонаман, улар менинг докторлик диссертациямни юқори баҳолашди. Ҳадемай, юртга қайтаман. Ҳамма тўсиқлар, сиқилишлар, тазйиқлар ва беҳаловат кунлар ортда қолди. Қийинчиликларимизнинг унут бўлишига ишонаман. Болаларни эҳтиёт қилинг.

Ҳамиша сизга суянаман, самимий саломлар билан  
Сарваржон.”

кўрганлар она-боланинг бир-бирига кўрсатган меҳридан ҳайратга тушарди. Онаси раҳматли Сарваржоннинг қўлида мангу кўз юмаётган лаҳзада ҳам ёлғиз фарзандини, унга кўшиб келини ва невараларини дуо қилди.

Онаси дунёдан ўтганидан

Сарваржоннинг уйқусиз тунлари роҳатини кўриш вақти келгани ҳам рост бўлсин. Ахир, ўзи ҳам ота-онасидан эрта етим қолиб, тоғасининг қўлида улғайган, она ўрнини босмаган янгасининг турткисидан боши чиқмаган. Сарвар билан ҳаётини боғлаганида, ўтмиши тушга айланган эди гўё, аммо бахтига кўз тегдими, ҳасад бандаларининг зарбасини кўтаришига тўғри келди. Қозони қайнамай қолган кунларда эрига далда бўлди. Иродали Сарваржон маъноли кўзларини Норгулга тикканча,

“Бундан баттаридан сақласин” деганларини сира унутмайди. Ў р н и д а н охиста тураркан, лойдан қилинган супа четида турган бир кучоқ гулларга қараб, кўнгли кўтарилди. Бу кичкинтой кизи Мунисанинг иши, у дала гулларини яхши кўради, онасига ҳар куни бир кучоқ гул териб бераркан, булар сизга дадамдан совға, деб кўяди. Чунки дадаси ҳар кун бўлмаса-да, ойда уч-тўрт мартаба онасига гул совға қилиб турарди. Гулдастанинг орасида кийик ўтиям бор чоғи, ифори атрофни тутиб

турарди.

У сигирни соғиб, ўчоқда сут пиширди. Нонушта тайёрлаб бўлгач, фарзандларини бирин-бирин эркалаган оҳангда турғиза бошлади: “Султон, ҳой Султон, отагинам туринг, сизни буюк ишлар кутмоқда...” Сўнгра тўнғич кизи Дилобарни уйғотишга тутинди: “Ҳой қиз, сиз сигирларни соғиб кўясизми девдим, сутларингиз пишиди туринг, чойингиз совиб қолди, эрта-индин келин бўласиз-а...” Норгул охири кенжатайининг бошига келди: “Мунис хола, Мунис хола, гулларингиз сўлиб қопти, гулзорингиз сувсиз қопти, гулларингиз сув сўраяпти, туринг тезроқ...”

Болалар бирин-кетин уйғонишганида қуёш борлиққа нур соча бошлаган, супага соя солган қандак ўрик шохиде туриб сайраётган қушчанинг хониши юракларни завққа чулғаб турарди. Кишлоққа кўчиб келишганига ўн йилдан ошди. Шаҳарда турилган болалари бувиси кучоғида қишлоқ ҳавосига жуда тез кўникиб кетишган. Султон жониворларсиз туролмайди. Дилобарнинг ҳам ўз ишқибозлиги бор: бувисидан ўрганган қуроқлари, кашталарини қўлдан қўймайди. Муни-то ҳам бошланғич синфни тугатди. Ҳайҳотдай ховлида ҳаммага иш топилади. Ҳисобчиликка ўқиган бўлса-да, кейинги йилларда бирор қорхонада ишлашга имкони бўлмаган, аммо хусусий фирмаларнинг ҳисоб-китоб ишларини олиб, тузуккина даромад топадиган Норгулнинг ҳам сира қўли-қўлига тегмай-

ди. Мана, эрининг ишлари олдинга илгарилари. Аёл киши учун оиласи хотиржамлигидан ортқ бойлик бўлма-са керак. Дугонасининг “қоғоздан бошини кўтармай-диган эр билан гул умринг ўтиб кетди-я...” деган маломатини қилиб қабул қилади-ган Норгулнинг ҳам кўзлари қувончдан порлайдиган кунлар келди. Унинг гул умри сеvimли инсон билан ўтаётганини ва шунинг ўзи энг улуг неъмат эканлигини дугонаси қаердан ҳам билсин? Тўғри, унга ўхшаб дунё кезмади, санаторийларда эри билан роҳатланиб даволанмади, аммо кекса қайнонасининг дуосини олди, эрининг илми ошишда суянчқ бўлди. Ахир, инсон ўз севган кишининг гамига гамкаш, қувончга қўшилиб қувонмаса, ҳаётини маънисиз қаерда қолади? Эрининг ишлари юришмаган кунларда муҳтож ҳам бўлди, аммо тиш ериб бировга дийдиё қилгани йўқ. Оиласининг сирини энг яқин дугоналаридан ҳам яширди, яхшисини оширди. Ойисини еру кўкка ишонмади. Шаҳарда ўсиб-улғайгани билан қишлоққа тез мослашди. Қўшнларга доим ўзини бахтиёр кўрсатиб яшайди. Сарварнинг ва болаларининг соғлиги учун жонини беради. Бу жафокашликнинг мевасини тоттиш бахти насиб этапти.

Нонушта қилиб бўлган болалар бугун онасининг кайфияти яхшилигини кўриб, хурсанд бўлишарди. Қизлар уйни тазалашга, Султон хўроз сўйишга тутинди. Ҳадемай дадаси сафардан қайтса, уйни меҳмон босади. Норгул ҳали ток ошига оғзи тегмаган эрига у яхши кўрган таомни тайёрлашга тутинди...

Каттакон дастурхон беэатилиб, атрофига кўни-кўшиллар, эрининг дўстлари тўпланишганида, эшикда рангрўйи йўл азобидан хиёл олинган Сарвар кўринди. Ҳовлига у билан бирга нур кириб келгандек бўлди гўё. Норгул кўзидан думалаб тушган бир томчи ёши яширишга улгуролмади. Бу севинч ёшлари эди. Тириклик неъматини инсоннинг оиласида бахти, фарзандлари камолида эканлигини ҳис этган аёлнинг бахтиёрлиги балкибикчиди. Ҳамма қийинчиликларни бир зумда унутди. Юзи яна аввалгидек ёришди. Хотинидаги ўзгаришни сезган Сарвар ҳамма билан сўрашар экан, Норгулга кулимсираб қараб қўйди...

Нигора ЖАЛОЛИДДИН  
қизи.



кейин ҳам, унинг ва отасининг чироғини ёқиш, орзуларини қишлоқда амалга ошириш учун қолди. Ташкентдаги устози неча мартаба чақирса-да, қайтмади. Илмий ишларини шу ерда яшаб, тугатишга қарор қилган шифокор, ниҳоят, устозлари ишончини оқлади.

Норгул эри билан ўтган шодмон кунларини эслаб, ширин энтикди. Ҳамма қийинчиликлар ортда қолгани,

қилинган супа четида турган бир кучоқ гулларга қараб, кўнгли кўтарилди. Бу кичкинтой кизи Мунисанинг иши, у дала гулларини яхши кўради, онасига ҳар куни бир кучоқ гул териб бераркан, булар сизга дадамдан совға, деб кўяди. Чунки дадаси ҳар кун бўлмаса-да, ойда уч-тўрт мартаба онасига гул совға қилиб турарди. Гулдастанинг орасида кийик ўтиям бор чоғи, ифори атрофни тутиб

Эрининг бир энлик хатидан руҳланган, бир ойдан буюн турли хавотирлар билан ухломмай, кўзлари киртайиб қолган Норгул бугун қушдай енгил бўлиб уйғонди. Сарваржон шаҳар клиникасидаги энг тажрибали жарроҳлардан бири эди, аммо атрофидаги айрим ҳасадгўйлар унинг обрўси ошиб бораётганлигини кўролмади, зимдан турли тухмат ва иғволар уюштираверишди. Барига чидади, ҳатто бир гал уни тухмат билан бўлимдан четлатишганида, уч ой ишсиз қолганида уни беморлар уйига излаб келишди. Барибир ганимларини тинч қўйишмади, ниҳоят, пойтахтдан келган тиббий комиссия қарорига биноан у ўз вазифасига тикланганди. Ушанда Норгул эрининг сабр-иродасига қўйил қолди. Сарваржон эса атрофидаги айрим кимсаларнинг асл башарасини билиб олганидан мамнун эди.

Кекса онасига ҳар қанча ялинмасин, барибир кампир ўзи яшаб турган уйни ташлаб кетолмайман деб туриб олгач, ноилж қолган ўғил пойтахтдаги нуфузли касалхонадаги ишини ташлаб қишлоққа қайтиб, шаҳарга қатнаб ишлаб бошлади. Аввалига мамнунлик билан қутиб олган ҳамкасблари кейин ўзгара бошлади. Ўз тугилган жойида шунчалик оёқости бўлишини Сарваржон тасаввур ҳам қилмаганди. Одамнинг боши тошдан экан. Жоҳил бўлим мудирининг барча кирдикорларига чидади, ҳатто бир куни фойдаси бўлмаса-да, унга мансаб кули эмаслигини эслатиб қўйишига тўғри келди. Шундаям Сарвардан ҳадиқда яшайдиган бўлим мудирини ва унинг гулашталари уни бош шифокорга ёмон кўрсатишдан нарига ўтишмасди. У ишхонадаги бу каби кўнглисизликларни ҳеч қачон оиласига олиб келмас, аммо зийрак Норгул эрининг юз-кўзидан нимадандир эзилаётганини билиб турарди. Сўраб дилини оғритишдан ўзини тиярди.

Сабр туби раҳмон, дейдилар. Шунча тўсиқларга қарамай, Сарваржон барибир илмий изланишларини давом эттираверди. Тор жойдан чиқмай тор фюрлайдиган, ҳамма нарсани пулга қақадиган, одамларни қиёфасига қараб баҳолайдиган айрим ҳамкасбларидан хафа эмас, уларга тўзим тилади, холос. Норгул эрининг ҳар қандай қийинчилиқни сабр билан енга олишига унинг отасиз қийинчилик кўриб улғайгани сабаб бўлганини аналарди. Айниқса, онасини шу даражада эъозлардики,

Бундан ўн йиллар муқаддам Маргилонга келган киши бугун унинг гўзал жамолини кўрса, ҳайратга тушиши табиий. Қувонарлиси, истиқлол неъматларидан баҳраманд элимизнинг турмуши кундан-кунга фаровонлашиб, жонажон шахримиз тобора чирой очиб бораёттир.

Айниқса, шаҳар марказида олиб

## ЮРТ ИМ ЖАМОЛИ

борилаётган бунёдкорлик ишларидан катта-ю кичик бениҳоя хурсанд. Тор, чанг кўчалар ўрнига кенг, равон, автомобиллар қатнови учун қулай асфальт йўллар, ҳашаматли совдо мажмуалари барпо бўлмоқда.

Шаҳримизда биз ёшларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришимиз учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Улуғ санъаткор Маъмуржон Узоқов

номидаги бетакрор истироҳат боғи, Маргилон шаҳрининг 2000 йиллиги арафасида бунёд этилган кўркем ва замонавий Ёшлар хиёбони, буюк аллома Бурхониддин Марғинойий номига бунёд этилган хотира мажмуаси ҳаммиша ёшлар билан гавжум. Бу масканларда ҳар куни юртимиз мустақиллигининг қўтлуғ 23 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Мустақиллик

оқшомлари» маънавий-маърифий, муסיқий тадбирлар ёзги таътил кунларимизга янада мазмун бағишламоқда. Санъаткорлар ижросидаги дилтортар, дилрабо кўшиқлар, долзарб мавзулардаги саҳна кўринишлари ва таъсирчан роликлар намоиши барчамизга манзур бўлмоқда.

Гулбаданбегим  
МАМАТХОНОВА,  
Маргилон академик  
лицейи ўқувчиси.

31 август — Катагон қурбонларини ёд этиш кун

# ЗАРГАРЛАР СУЛОЛАСИ

Ўтган асрнинг йигирманчи-ўттизинчи йилларидаги катагон даврида “халқ душмани” деб беаёв таҳқирланган, азоб-укубатга гирифтор этилган илғор фикрли юртдошларимиз — маърифатпарварлар орасида кўплаб тadbиркор, савдогар, мол-мулк ва ер эгалари ҳам бор эди.

Заргарлар сулоласи вакили, тошкентлик 81 ёшли Восиқ ота Мирзаевнинг болалиги ана шу ваҳимали, даҳшатли даврга тўғри келган эди.

— У йилларни эсласам, беихтиёр кўзимга ёш келади, — дейди Восиқ ота. — Она тарафдан бобомиз Ҳакимбой ота катта савдогар бўлганлар. Унинг отаси — катта бобомиз Икромбой ҳам савдогарлик билан элдан ном қозонган экан. Ҳакимбой бобомиз савдо ишлари билан қайси шаҳарга борсалар, аввало, ўша ерлик аҳолининг санъати ва маънавиятини ўрганишга интилганлар. Юртга қайтиб келгач, олган бир дунё таассуротларини яқин дўсту биродарлари билан ўртоқлашган.

1905 йилда Ҳакимбой отамиз навбатдаги сафарга — Санкт-Петербург ва Финляндияга боради. Ўша пайтда Финляндияда трамвай қатнови йўлга қўйилган экан. Бобомни трамвайда кондукторлар йўқлиги, йўловчилар йўл ҳақини чипта аппаратлари ёрдамида ўзлари тўлаши ҳайратга солган. Театрларнинг томошабинлар билан гавжумлигини кўриб, ҳавас қилади. Тошкентга қайтгач, театрни инсонлар маънавияти, маданиятини юксалтирувчи биринчи даражали восита сифатида тарғиб этган. Янги қўйилган спектаклларга 5-10 катор жойларни олдиндан сотиб олиб, маҳалладошлари, қариндош-уруғларига чипталарни бепул тарқатган. Томошадан сўнг спектакль ҳақидаги муҳокама-лар бобомга завқ бағишлаган. 1917 йил “инқилоб”и тўғрисида кўзга кўринган зиёлилар, шоир ва ёзувчилар қаторида қанчадан-қанча хурфирк кишилар ҳам сургун қилинган. Улар орасида айримлари жон сақлаб қолиш учун Хитойнинг Қашгар воҳасига ўтиб кетишга муваффақ бўлишган. Бобомизнинг фаолияти ҳам ана шу сургун сабабли тўхтаган.

Дарвоқе, тарихдан биламизки, 1917 йилдаги талотумдан сўнг жуда кўп юртдошларимиз оғир таъзиялар остида Ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлганлар. Сургунга юборилганларнинг аксарияти совуқ ўлкаларда ҳаётдан кўз юмишган.

Мирза бобонинг катта ўғли Фаттоҳ Мирзаев шундай эслайди:

— Отам Тошкентда қолиб, кайнотаси Ҳакимбой бобомизнинг ишини давом эттириб, газлама ва заргарлик растасида савдо-сотик қила бошлайди. Аммо отамнинг бошига бобом кўрган азоб-укубатдан ўн чандон оғирроқ савдолар тушган. 1926-1927 йилларда қанчадан-қанча бой кишилар (ўша пайтда «бой» сўзи «ўғри», «савдогар»



маъносида ишлатилган) Сибирга сургун қилиндилар. Аслида эса улар чинакам тadbиркор ва ишбилармон кишилар эди. Сургун даврида бир гуруҳ тошкентликлар ичида отам ҳам Татаристоннинг Қозон шаҳрида қолдирилган.

1930 йилларда отам юртга қайтади. Бироқ, юрт хануз қатагонлик даври исқанжасида эди. Хонадонимизда сўнги тинтув ишлари ўтказилганида мен 9-10 яшар бола эдим. Уйимиздан жамики мол-мулк олиб чиқиб кетилганди. Мирзажон бойга “Бировнинг ҳақини еб, кун кечиради”, деган айб қўйилиб, мол-мулкда “ҳақсиз” деб топилди. Яшаб турган уй-жойимиз тортиб олинди, бизни битта ёзги айвонга ҳайдаб чиқаришди. “Ҳақсиз”нинг болалари сифатида бизни ўқишга нолойиқ, деб мактабдан ҳайдашди. Маҳаммад амаким биз учун ўзининг номидан “Чойхонада чой қайнатиб, ўз меҳнати билан яшаётгани учун ҳақли деб топилсин ва фарзандлари мактабга бориб ўқисин”, деган маънода сўровнома юбориб, ўқимизга рухсат олиб берганидан кейингина мактабга қайтдик. Мурғак қалбим дашном ва тухматлар тўғрисида ўшанда қанчалар эзилганини бир тасаввур қилинг-а. Отам бизни ёнига чақириб, мендан кейин ҳеч бирингиз заргарлик қилмайсиз, савдо-сотик ишлари билан шуғулланмайсиз, дея васият қилганлари қулгошим остида ҳали-хануз жаранглайди. У кишининг шундай дейишларига замон, қатагонлик йилларининг ҳисобсиз таъзияси сабаб бўлганини ҳис этганмиз ва “нега”, “нима учун” деб сўрашга ботина олмаганмиз.

Ўтмишни, кўрган-кечирганимизни айтаверсам, гап кўп. Шукрлар бўлсинки, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганидан сўнг юртимизда тadbиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кенг йўл очилди.

Президентимизнинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳақидаги гамхўрликлари бизнинг файратимизга янада файрат қўшди. Ўзаро маслаҳатлашиб, “VOSIQ MIRZO” оилавий корхонасини ташкил этдик. Ушбу корхонада Мирза бобомизнинг ўғиллари, нева-чеваралари ва қариндошлари меҳнат қилишяпти. Бобом ва отамнинг ҳаёти, инсоний фазилатлари, фаолияти, энг асосийси, уларнинг юртга, халққа чексиз меҳр-муҳаббати ҳар биримизга сўнамса сабоқ бўлиб қолди.

2015 йилда Мирза бобомиз-

нинг мана шу ишни бошлаганига 100 йил тўлади. Биз ҳам оилавий тadbиркорлигимизни ривожлантириб, юртимиз равнаки халқимиз фаровонлигига ўз ҳиссамизни қўшиш ниятида меҳнат қилаёلمиз.

Ўрта мактабни имтиёзли тамомлаб, Россия Фанлар Академиясининг Ер физикаси институтида диссертациясини ёклаб, фан номзоди илмий унвонини олган Восиқ ота Мирзаев кейинчалик Тошкент давлат қишлоқ хўжалиги институтида (ҳозирги Тошкент Давлат Аграр университети) физика кафедраси мудири, доцент унвонига эга бўлди. Ҳозир нафақада. Оилавий корхона ишларида фаол иштирок этиб, касб сирларини ўз нева-чаевараларига ўргатиб, устозлик қилмоқда.

Мирза бобонинг яна бир ўғли 94 ёшли профессор Фаттоҳ Мирзаев узок йиллар Тошкент кимё-технология институтида талабаларга сабоқ берди. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига сазовор бўлди. Эндиликда нева-чаеваралар куршовида кесалик гаштини суриб, бугунги кунларга шукроналар айтиб яшамоқда.

— Халқимизнинг тинч-тотув меҳнат қилиши, фаровон яшаши учун муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида юртимизда барча шароитлар яратилди, — дейди Фаттоҳ ота. — Энг улуг неъмат тинчлигимиздир. Бу кунларнинг қадрига етишимиз, барча имкониятимизни сарфлаб, Ватанимиз равнаки учун қўлимиздан келганича меҳнат қилишимиз, интилишимиз керак. Мустақилликдек буюк неъматни асраб-авайлаш, уни мустаҳкамлаш, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшиш барчамизнинг бурчимиздир.

**Латофат САЪДУЛЛАЕВА,  
“Оила ва жамият”  
муҳбири.**

Фидойилар

# БОЛАЛАР — БОЙЛИГИ УНИНГ

Жиззах вилоятидаги “Баркамол авлод” маркази қошида ташкил этилган «Юмшоқ ўйинчоқлар ва миллий кўғирчоқлар» тўғраги ўғил-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларида кўмакдош бўлмоқда. Мазкур тўғрақ раҳбари Мамлакат Эрматовнинг ишлари ҳар доим кўпайгандан кўпаяди.

Бугунги кунда мазкур тўғрақда 60 нафар ўқувчи иштирок этади, машғулотлар жуда ҳам қизиқарли ташкил этилади. Унда нафақат миллий кўғирчоқ ва ўйинчоқлар яшаш ўргатилади, балки ўша ясалган кўғирчоқлардан фойдаланилиб, турли кўренишлар саҳналаштирилади. Уларни болалар ижро этадилар.

— Тўғрагимизда имконияти чекланган, нутқи ривожланмай қолган болалар ҳам катнашади. Улар саҳна асарларида образларни ижро этиш жараёнида ҳаракатларини мувофиқлаштириш, сўзларни талаффуз этиш кўникмаларини эгаллаб боришади, — дейди “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби Мамлакат Эрматова.

Дарҳақиқат, тўғрақда миллий кўғирчоқларни яшаш давомида болалар кийим бичиш, тикиш сирларини ҳам ўзлаштирадilar. Ҳозирги пайтда тўғрақда “Хасис бой”, “Шум бола ва ҳўтичка”, “Бобой-жон ва кампиржон”, “Тўлки ва турна”, “Зумрад ва Қиммат”, “Қурбақа қиз” эртақлари ва “Томоша” кўғирчоқ театрлари саҳналаштирилиб, мактаблар болалар богчаларида намойиш этилмоқда.

Мамлакат Эрматова доим изланишда, у ўз фаолиятига илмий ёндашиб, нафақат ўзбек, балки дунё олимларининг болалар кўғирчоқ театри, юмшоқ кўғирчоқлар тайёрлаш ҳақидаги асарларини мунтазам мутолаа қилиб боради. Ушбу мавзуларда ўз тажрибасидан келиб чиқиб, газета ва журналларда илмий мақолалар, рисоалар, методик қўлланмалар чоп эттириб келмоқда. Унинг “Кўғирчоқ ва ўйинчоқлар орқали мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг ақлий тафаккурини ва нутқини ўстириш” номли методик қўлланмаси мамлакатимиздаги барча мактабгача тарбия ва малака ошириш таълим муассасаларида фойдаланилмоқда.

Унинг изланишлари, меҳнатлари беиз кетмади. М. Эрматова тайёрлаган лойиҳа Япония ҳукумати-нинг грантига сазовор бўлиб, ушбу грант асосида кўғирчоқ ва ўйинчоқлар ясайдиган устахона ташкил этди. Устахона ҳам болаларнинг сеvimли масканига айланган. Бу ерда улар кўғирчоқ ва ўйинчоқлар ясайдилар. Тайёрланган махсулотларни Мамлакат опа болаларнинг ўзларига беради. Унинг шогирдлари Нозима Маматқулова, Икром Ҳасанов, Бекзод Райимовлар энди ўзлари мустақил равишда кўғирчоқлар тайёрлаб, эртақларни саҳналаштириш, ролларни ижро этишга муваффақ бўлмоқдалар.

— Болалар — менинг қувончим. Уларнинг ҳар бир муваффақияти менинг ютуғимдир, — дейди Мамлакат Эрматова.

Ўз касбини улуғлаган Мамлакат опа айни пайтда “Ўзбекистон халқ таълими аълочиси” нишондори, 2009 йилда ўтказилган “Йил тарбиячиси”, “Йил аёли” республика кўрик-танловларида голибликни қўлга киритган. 2011 йилда эса “Ташаббус” республика танловида “Республикада энг яхши кўғирчоқ ва ўйинчоқлар хунарманди” номинацияси бўйича голиб бўлди.

Унинг эзгу мақсадлари бисёр. Болалар иштирокида мукамал, касб талабларига тўлиқ жавоб берадиган кўғирчоқ театри ташкил этишни орзу қилади, шу ниятда тинимсиз изланишлар билан меҳнат қилмоқда.

**Маҳлиё НОРМУРДОВА,  
ЖДПИ талабаси.**

# ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР

Ижтимоий ҳимоя

Чортоқлик Раҳматулла ака Бобоев узоқ йиллар одамларнинг узоғини яқин қилиб, ҳайдовчилик касбида сидқидилдан меҳнат қилди. Тақдир экан, бир хасталик туфайли оёғи оғриб, тўшака миҳланиб қолди. Фарзандлари, кўни-кўшнию қариндош-уруғларининг маслаҳатлари билан қанча шифокорларга учраб, шифохоналарда муолажалар олди. Бироқ, соғлиги кўнгилдагидек тикланмади. Тақдир экан, дея аста-секин кўникиб, кўнглини кўтаришга ўргана бошлади. Аммо уй ичида шифтга термулганча ётиш осон эмас, азобли эканини у англайверди.

Бир куни эшик қоқиб, маҳалладан бир қатор танишлари йўқлаб келишди. Уларнинг қўлидаги араваچани кўрган Раҳматулла аканинг кўзларида севинч ёшлари қалқди. У энди бемалол аравача ёрдамида нафақат ҳовлисида, кўчага ҳам ўзи чиқа билишини айтишганида гўё ёш боладай қувониб кетди. Шунда маҳалла оқсоқоли ушбу совға туман Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими томонидан берилганини таъкидлади. Раҳматулла ака улар билан бирга келган, мазкур бўлимнинг ижтимоий ҳимоя қилиш гуруҳи раҳбари Мамлакат опа Қаюмовага чин дилдан миннатдор эканини айтди. Бир кемтик қалб соҳибининг дилдан қувониши барча келганлар кўнглига шодлик бағишлаган эди.

— Турфа сабаблар туфайли ногирон бўлиб қолган ёки қаровчисини йўқотган меҳрга ташна кишилар ҳолидан хабар оларканмиз, уларнинг кўнгли кўтарилиб қурсанд бўлишганидан ўзимиз ҳам енгил тортамиз, — дейди Мамлакат опа Қаюмова. — Айни дамда ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд ёлғиз кексаларга ёрдам

кўрсатаётган 19 нафар ходимимиз бор. Феруза Юсупова, Гулчеҳра Хабибуллаева, Дилором Рафиқова, Рустамжон Маъмуров, Фуркат Кўчаков, Шавкат Эгамбердиев, Ботир Бекмуродов каби фидойи ходимлар ва ҳудудий инспекторлар уларга зарур юмушларда ҳам ёрдам беришади. Реабилитацияга муҳтож ногиронларни шифокорларнинг тавсиясига қараб аравача, эшитиш мосламаси,



ҳасса, қўлтиқтаёк, протез ортопедия воситалари билан таъминлаймиз. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга белгиланган талаблар асосида 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бериляпти. Бу хайрли ишларда асосан маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Қайси хонадонда ёлғиз кексалар ёки ногирон борлиги, улар нимага муҳтожлигини маҳалла вакиллари билан бирга ҳудудлардаги инспекторларимиз аниқлаб беришади. Яқинда байрам арафасида ана шундай эҳтиёж-

мандларга совғалар улашдик, катталар учун тўртта ва болалар аравачаларидан тўртта тарқатилди. Ҳомийларимиз ташаббуси билан ҳам меҳмурувват кўмаклари берилмоқда. Туман ҳокимлиги, маҳаллалар, тадбиркорлар ҳомийлик маблағлари беришади. Масалан, Кўшан гишт заводи жамоаси номидан директор Абдулло Жалилов ҳар йили камиди икки нафар ногиронимизга аравача совға

қилади. Шунингдек, уларнинг дам олишлари ва даволанишлари учун сиҳатгоҳларга йўлланмалар бериб борамиз. Август ойида 20 нафарга яқин уруш қатнашчилари, ёлғиз қариялар ва ногиронлар йўлланма асосида санаторийларда ўз саломатликларини мустаҳкамлаб, дам олишди. Яратилган шароитлар, бундай эътибор ва ғамхўрликдан барчалари мамнун бўлишмоқда.

Бўлим томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар билан танишарканмиз, аҳолининг бандлиги хусусида ҳам қизикдик.

— Юртимизда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимларининг ўз ўрни, муҳим вазифалари бор. Туманимизда 2014 йилда 7 ойлик учун аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш дастури ишлаб чиқилган.

Мазкур дастурда 2844 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда 3028 та янги иш ўрни яратилди, — дейди Чортоқ туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Умрзоқ Сатторов. — Жумладан, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларини янгилаш ҳисобига 152 та, кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш орқали 891 та, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 323 та, уй меҳнатининг барча шакллари ташкил этиш орқали 1309 та, шунингдек, фермер хўжалиқларини ривожлантириш ҳисобига 127 та, ишлаб чиқариш, ижтимоий ҳамда бозор инфратузилмасини ривожлантириш орқали 203 та иш ўринлари яратишга эришилди. Бўш иш ўринлари ярмаркалари бўйича Чортоқ туманида тасдиқланган режа бўйича январь-июль ойларида 5 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, уларда 209 та ташкилот, корхона, муассаса ва фермер хўжалиқлари ўзларининг 1161 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ушбу меҳнат ярмаркасида 1181 нафар иш билан банд бўлмаган аҳоли ва касб-ҳунар коллежи битирувчилари иштирок этдилар. Улардан 839 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар, қолган 342 нафарига зарур маслаҳатлар берилди.

Туманда ҳар бир соҳа тараққиёти, аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши, турмуш даражасининг ўсишида бу каби мақсадли ишларнинг ижобий самаралари аққол акс этмоқда.

**Нигора ЭРКИНБОЙ қизи,**  
“Оила ва жамият” муҳбири.  
Наманган вилояти.

## Тошкент вилояти Бекобод туманидаги “Хўжааҳмад” фермер хўжалиғи жамоаси

юртдошларимизни озод ва обод  
Ўзбекистонимиз Мустақиллатимиз  
23 йиллиғи  
билан самимли раҳбарликда этакда!

Истиқлол йилларида деҳқон меҳнати ҳам беқиёс қадр топди, фермерлик фаолиятини ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Зеро, элимизнинг дастурхони тўкин-сочин, турмуши фаровон бўлиши фидойи деҳқонлар ишнинг самаралари билан боғлиқдир. Бунинг дилдан чуқур англаган фермерлар ана шундай эзгу мақсадларда астойдил меҳнат қилиб, катта ютуқларга эришмоқдалар.

Пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган “Хўжааҳмад” фермер хўжалиғимизда бу йил ғалладан 60 центнердан ҳосил олинди, шартномавий режа удаланиб, ортган қисмидан

40 тоннадан зиёд оиламиз даромадига ҳам қолди. Пахта далаларимизда бу йил ҳам ҳосилнинг чўғи баланд. Шукрки, хонадонимиз тинч, дастурхонимиздан қут-барака аримайди. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофатидандир.

Саховатли она заминимиз бағрида унаётган ризқ-рўзимиз мудом зиёда, сахийқалб элимиз ҳамиша тинч-омон ва бахтиёр, юртимиз янада фаровон бўлсин!

Азалий қадриятларимиз бўлган тотувлик, меҳр-оқибат каби энг эзгу фазилатлар ҳамиша қалбларимизга ҳамроҳ бўлсин, ҳар бир хонадондан файзу барака аримасин!

РЕКЛАМА

## БОҒЛАРИДА БАРАКА УНДИРАЁТГАНЛАР

Аширбуви ая Паркент тумани Чанги кишлоғининг Нуробод маҳалласида ҳамма ҳавас қиладиган нуронийлардан бири. Бу хонадон соҳиблари бир умр дарахт экиб боғ яратган саховатли инсонлар сирасидан.

— Раҳматли Миржалол отангиз билан турмуш қурганимда урушнинг суронли йиллари эди. Келин бўлиб тушган уйим оддийгина, ёмғир ёғса, томдан шаррос ўтаверганидан баъзан эрталабгача мижжа қоқмай чикардик. Икковлашиб ҳовлидаги ерни тошлардан тозалаб чопардик. Ҳаш-паш дегунча унга илк бор бир неча кўчат олиб келиб ўтказдик. Бугдой ўрими тугаганида мошоқ теришга чикардик. Бир этак болани шундай қилиб улгайтирганмиз. Лекин кийналаётганимизни болаларга сездирмасликка ҳаракат қилардик. Бола дегани йўқчиликдан гапирилса, дарров мунгайди-да. Бир куни чолим тўрт туп нок кўтариб келди. Яхши ният билан эгдик. Болаларимнинг ризки экан, ҳозиргача ҳосил бермоқда. Ҳар йили шохини бутуқлаб, янгилаб тураемиз. Демокчиманки, чиндан ҳам боғ яратган киши кам бўлмас экан. Тўрт келиним мана шу ҳовлида неча йилларки, аҳил яшашди, кейинчалик бирма-бир ҳовли-жой қилиб кўчирдик. Уларнинг ўзлари ҳам эллигина, кишлоқда кизлар оила сабоқларини обдон ўрганишиб кейин узати-

лишади, келинларимга билмаганларини эринмай ўргатдим. Ҳозирда 41 нафар неvara, 22 нафар чеваранинг ризки ҳам мана шу дехқончилик, богдорчилик ортидан, ҳеч камчилик кўрмай, униб-ўсишаётганига шукр қиламан. 85 ёшга кирдим, иложим бўлса-ку, яна кетмон ортиб боғ ора-



лардим, меҳнатни яхши кўраман-да. Умр йўлдошим ҳам 82 ёшигача томорқада ишлаб чарчамас эди. Одам танаси ҳам ёш боланинг табиатига ўхшайди, уни нимага ўргатсанг шуни талаб қилаверади, дер эди. Шуларни кўриб улгайган болаларнинг тарбияси ҳам рисоладагидек бўлади. Аширбуви аянинг фарзандлари меҳнатсевар, дехқончиликнинг ҳадисини олган, гўзал фазилатлар эгаси экани буни яққол кўрсатиб турибди. Ўрмон хўжалиги бўйича мутахассис фарзанди

### Орамиздаги одамлар

Мирсалим ака иш фаолияти билан бирга укаси Мирвали раҳбарлигидаги “Чанги Ҳабибулло Аббос” фермер хўжалиги ишларига ҳам ўз маслаҳатлари билан кўмаклашади.

— 2006 йилда тендерда иштирок этиб, кишлоғимиздаги 15 гектарлик теракзор мазкур фермер хўжалиги ихтиёрига ўтди, — дейди Мирсалим ака. — Уч-тўрт йилда яхшигина даромад олинди. Теракзор ёнида бир гектар боғимиз ҳам бор. Ҳозирда фермер хўжалиги янада кенгайиб, ўн гектар майдонда тоқзор ҳам барпо этилди. Боғбон ҳар бир туп дарахт билан тиллашади, теракми ёки мева дарахти, кўзингиз тушиши билан сизга “шавирлаб” ўзига қандай парвариш зарурлигини айтади гўё. Бир-бирига уй-жойлари яқин ака-ука, опа-сингиллару боғбонликка ҳавас қўйган фарзандлари ҳам бари дарахтларни “сўзлата” олишга интилишади.

— Ҳовлимиздаги томорқадан бир йилда салкам 18 миллион сўмга яқин даромад олаёпмиз. Унда узум, гилос, нок, олма, ёнғоқдан тортиб, сабзавот экинларигача бор, — суҳбатга қўшилди Мирвали ака. — Уларнинг серҳосил ва унумли бўлиши сирларини отамдан ўрганганмиз.

Умаровлар хонадонига ўз меҳнати ортидан роҳат топаётган, барчага ибрат бўлаётган ана шундай саховатли кишилар умргузаронлик қилишади. Ҳар тонг эзгу ниятларни ўйлаган фарзандлар Аширбуви аядан дуо олиб, меҳр ва парваришдан яшнаётган теракзору боғларга ошиқишади.

**Нигора ЎРОЛОВА,**  
“Оила ва жамият” муҳбири.

### Биласизми?

## ПОЙАБЗАЛ ТАНЛАШ

**Бежирим ва пишиқ тайёрланган оёқ кийимда юриш ҳам қулай, албатта. Шунинг учун ҳам пойабзал харид қилаётганда ўзимизга мос ҳамда чиройли кўринишда бўлишига, сифатига алоҳида эътибор бериш керак. Масалан, чарм говакли бўлак, ҳам оёқни терлашдан сақласа, ҳам ўзида иссиқни яхши тутадими.**

Пойабзал билан пайпоқ рангининг бир-бирига мослиги ҳам муҳим, чунки уларнинг ранги бир-бирига қанчалик зид бўлса, оёқлар шунча катта бўлиб кўринади.

Янги пойабзаллар дастлабки ҳолатини яхши сақлаши ва узоқ муддат хизмат қилиши учун уларни ҳар куни тозалаб туриш керак. Пойабзални эрталаб, кўчага уқиш олдида эмас, кечкурун тозалаб, тартибга келтириш мақсадга мувофиқ. Чунки унга суртилган мой 10 соат давомида сингади. Шундагина мой унинг юзасида ташки омилардан ҳимояловчи қобик ҳосил қилади. Янги суртилганда эса пойабзал юзасидан тезда учиб кетади.



● Чармдан тикилган оёқ кийимларни тозалаш учун вазелиндан фойдаланса ҳам бўлади. Вазелин ялтирабгина қолмай, намдан ҳам ҳимоя қилади.


● Нам бўлган оёқ кийимларни иссиқлик батареялари ёнида қуришти ярамайди. Яхшиси, уларни юмшоқ мато билан артиб, иссиқроқ жойга қўйган маъқул.

● Бахмалсимон чарм (замш) дан тайёрланган оёқ кийимлар сув таъсирига чидамсиз бўлади. Уларни тозалашда майда кум қоғоз ёки махсус ластиклардан фойдаланган маъқул.

● Пойабзалдан сув ўтмаслиги учун махсус (озроқ қўй ёғи ва зигир мойини тенг миқдорда қўшиб тайёрланган) мойдан суртиб юриш лозим.

● Кичик пойабзал кийганда, оёқларда қадоқлар пайдо бўлса, 3 литр илик сувга 1 чой қошиқ ош тузи, 1 қошиқ мойчечак солиниб, оёқлар ванна қилинади. Ваннадан кейин эса саримсоқлиёз шарбатига ботирилган пахта қадокқа боғлаб қўйиб керак бўлади.

● Пойабзал оёқларни сикса, сочиқни иссиқ сувда хўллаб, кейин яхшилаб ўраб қўйиш лозим. Сўнг ўсимлик мойидан озроқ суртиб, бир сутка шу ҳолда қолдирилади. Шундан оёқларни сикмайди.



**Латофат САЪДУЛЛАЕВА**  
тайёрлади.

### Қатра

## ЙИГИРМА УЧИНЧИ РАҚАМ

*Сизларни билмадим, лекин мен негадир 23-рақамни яхши кўраман.*

*Ўзим ёшлигимда 23-мактабда таҳсил оламан.*

*23 ёшимда университетни имтиёзли равишда тугатганимдан кейин, отам раҳматли “Кел, энди, бошингни иккита қилмасак бўлмайди. Сен тенгиларнинг биттадан боласи бор”, дея ҳол-жонимга қўймагач, рози бўлганман. Худого мизг қатла шукрки, уч фарзандни элга қўйдим, ҳаммаси касб-корли, эл хизматида. Кўз тегмасин-да, ортидан фақат раҳмат зийтияман*

*Ҳозир, энг кичкина қизим 23 ёшида. Мустақиллик эълон қилинган кундан бир ой ўтгач, дунёга келган. Менинг касбимни танлади, барака топсин, ҳозир мактабда ёшларга сабоқ бераётти.*

*Насиб этса, эрта-индин пойтахтда яшаб, ишлаётган тўнғич ўғлимни кизга меҳмонга отланяман. Аёлим ва уч неварамиз пойтахтимизнинг энг гўзал жойларини зиёрат қилишни ният қиламиз. Ҳар йилги одадимиз шундай: Наврўз ва Мустақиллик байрамларида Тошкентга йўл оламиз.*

**Иброҳим АЗИМОВ,**  
фахрий ўқитувчи.  
Сурхондарё вилояти.

## ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК НАТИЖАСИ

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси “Сабр” ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази билан ҳамкорликда “Қишлоқ жойларда ҳаёт стандартларини яхшилаш ва турғун ҳаётни таъминлашда маҳаллий жамоатчиликнинг ривожланишини кўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ННТлар, давлат ташкилотлари, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитация этилган чет давлатлар ва халқаро ННТлар, жумладан, DVV International, Европа Иттифоқининг Тошкентдаги ваколатхонаси, Ўзбекистондаги Германия ва Буюк Британия элчихоналари, Хейвен-Вулверхемптон вакиллари иштирок этди.

Тадбир аввалида иштирокчилар “Сабр” маркази лойиҳаси доирасида Оқдарё ва Ургут туманларида бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган маҳаллий ривожланиш Марказига ташриф буюриб, у ерда амалга оширилган ишлар билан ақиндан танишдилар. Шунингдек, яқинда Самарқанд педагогика коллежидан ташкил этилган шундай марказни кўздан кечирдилар. Мазкур марказда коллеж ўқувчилари ҳамда шу атрофдаги маҳалла хотин-қизларининг хунар эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Жумладан, тикиш-бичиш, сартарошлик, пишириқлар пишириш, шунингдек, ўқув-тренинг хоналари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

— Оқдарё ва Ургут туманларида вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, Хейвен-Вулверхемптон, Европа Иттифоқининг Тош-

### Тадбир

кентдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этган марказларини фаолияти бугун ўз самарасини бераёттир, — дейди “Сабр” ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази раҳбари ўринбосари Саодат Аҳмедова. — Биргина ўтган йил давомида мазкур марказларда 100 нафардан зиёд хотин-қизлар бепул тарзда касбий кўникмаларга эга бўлишди. Яна юз нафар қиз шу марказларда ташкил этилган ўқув хоналарда оилавий муносабатлар, лидерлик хусусиятлари, бизнес ва маркетинг бўйича ўқув семинарларда иштирок этдилар. Бу каби ўқувлар уларнинг ўзига нисбатан ишончини ошириб, мустақил иш бошлашига туртки бўлаёттир.

Давра суҳбати давомида ЎзННТМА раҳбари А.Каримов, “Сабр” маркази бошлиғи М.Ширинвалар бугун мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари учун яратилаётган шарт-шароитлар, уларнинг давлат корхоналари билан ижтимоий ҳамкорлиги юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталдилар.

Шунингдек, Буюк Британиянинг Хейвен-Вулверхемптон ташкилоти ҳамда мазкур марказ билан ҳамкорликда амалга ошираётган лойиҳаси натижалари тақдироти, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини яхшилашда комплекс ёндашув бўйича ижтимоий тадқиқот натижалари тақдироти, махсус тренинг ҳам ўтказилди.

**Гулрух МҶМИНОВА,**  
“Оила ва жамият” муҳбири.  
Самарқанд вилояти.

Ўқинг, қизиқ...

ЭНГ КИЧКИНА  
АЁЛ

Дунё синоатлари поён билмайди. Ҳатто унинг бағрида яшаётган одамлар қиёфасида ҳам ҳайратомуз ўзгаришлар содир бўлиб туради. Тўрт мучаси соғлом, бўй-баста келишган одамлар недандир нолиб юрган бир пайтда гайритабиий кишилар ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлашга ҳаракат қилади.

Жиоти Амге 1993 йил Ҳиндистоннинг Нагпур штатида туғилган. У ёшлигиданроқ дунёнинг энг кичик одами деб эътироф этилган. 14 ёшида Жиотининг бўйи 58 см, вазни эса атиги 5 кг бўлган. Бунга сабаб туғилган пайтдаёқ унга камданкам учрайдиган ва афсуски, давоси йўқ суяк тўқималари ўсишининг генетик бузилиши, яъни "ахондроплазия" хасталиги ёпишган эди.

Жиоти улгайиб борса-да, бўйи



кичкиналичига қолаверди. 18 ёшида 68 сантиметр бўйи ҳамда 12 кг. вазни билан жаҳоннинг энг кичкина аёли сифатида унинг номи "Гиннеснинг рекордлар китоби"га киритилди. Жиоти бундай рекордни ўсмирлик чоғида ҳам ўрнатган эди.

Жиоти ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда ҳаёт кечиради. Масалан, у либослар модасига қизиқади. Модель бўлишни орзу қилади. Либосларини ўзи тикади. Бу ҳали ҳаммаси эмас, унда актриса бўлиб танилиш истаги ҳам йўқ эмас. Шунингдек, заргарликка ҳам қизиқувчи бу киз тақинчоқларининг бир қисmini ўзи ясаган. Жиотининг айтишича, унинг ғайриоддий, экзотик ташқи кўринишига ҳинд кинематографиясида талаб жуда катта. Жиотининг



яна бир орзуси олий маълумотли бўлиш эди.

Жиотининг хонадонига унга тегишли барча буюмлар кичик ўлчамда. Қиз учун махсус каравот, шунга мос идиш-товоклар, овқатланиш анжомлари бор. Жиоти сайр чоғида опасининг велосипедидаги саватчага осонгина жойлашиб олиши мумкин.

Бу қиз ўз шаҳрида жуда машҳур шахс ҳисобланади. У бир неча шоулар қаҳрамонига айланган. "National Geographic" телеканали унинг ҳаёти ҳақида фильм суратга олган. Бу қиз ҳали дунёни кўп бора лол қолдирса ажаб эмас.

Наргиза СИДДИКОВА  
тайёрлади.

## "Бахтли бўлинг"

## саҳифаси



## "Бахтли бўлинг" жавоб беради

Кадрли муштарийлар! Телефон кўнгирикларингиз, бевосита мурожаатларингиз ҳамда мактублар орқали билдириляётган фикр-мулоҳазалар, турмуш сўқмоқларида дилдан кечган саволларингиз атрофида сиз билан фикрлашиш истагида "Бахтли бўлинг" жавоб беради" рукнини очдик. Ушбу руқк орқали сизни ўйлантираётган саволларга жавоб топишингизда баҳоли кудрат кўмаклашмоқчимиз. "Оила ва жамият" сизнинг доимий сирдош дўстингиз эканини унутманг.

## КЕЧИРИШ МУМКИНИМИ?

"Хўжайиним иқтисодчи, банкда ишлаб юрганида уйдагиларига сездирмасдан бир аёл билан хуфёна яшаб юрган экан. Қайнонам, ўғлимни уйлантирмас, зора ундан воз кечар, деган ниятда мени келин қилган экан. Тўйимиздан сўнг Луизанинг хорижга кўчиб кетганини эшитдим. Ўғлим туғилган, назаримда бизлар жуда бахтли эдик. Аммо турмуш ўртоғим ҳамон ўша аёл билан кўнгириклашиб туришини сезиб қолардим. Барибир оиламда хотиржамлик йўқ эди. Шу орада эрим кутилмаганда ишдан бўшади-ю, "хорижга кетаман"га тушиб қолди. Онаси розилик бермас-да, барибир жўнаб кетди. Ушанда беш ойлик ҳомила билан қолгандим. Қизим отасини кўрмай ўсди. Ўғлининг қайтишидан дарак бўлмагач, қайнонам уй-жойларни менинг номимга ўтказиб берди. Фарзандларимни ёлғиз ўзим катта қилиб оёққа тургаздим.

Орадан ўн саккиз йил ўтган, бедарак кетган одам осмондан тушгандек уйимга кириб келди ва йиғлаб-сиқтаб кечирим сўради. Икки йўл орасида қолдим. Бир тарафда болаларим, иккинчи тарафда эса... мен билан ҳаётини бошламоқчи бўлган бошқа инсон бор эди. Нафақат менга, фарзандларига ҳам хиёнат қилган одамни қандай кечираман? Илтимос, маслаҳат беринг.

ШОҲИДА,

40 ёш, Тошкент шаҳри".

## Психолог маслаҳати:

Агар сиз ўзингизни ўйлаб, бошқа киши билан оила курсангиз, бу фарзандларингизнинг руҳиятига ёмон таъсир кўрсатади. Нима бўлганда ҳам шу инсон – болаларингизнинг отаси. Бироқ, унинг соғлиги ҳақида жиддий ўйлаб кўринг, соғлом эканига аниқ ишонч ҳосил қилинг. Балки турмуш ўртоғингизни кечириб, фарзандларингиз учун оилангизни тиклаганингиз маъқулдир. Тўғри, ҳар сафар эрингизни кўргангизда сизга етказган ёмонликлари ёдингизга тушиши мумкин. Аммо ҳадеб ўтмишни ўйлаб, ўзингизни қийнайверманг. Болаларингизнинг ютуқлари, келажаги, ўз саломатлигингиз ҳақида ўйланг. Билингки, ҳар гал фар-

## ҚАДДИГА АСО, КЎЗИГА НУР

Онам бобомнинг яқин оғайниси Умарали амакимнинг қизи бўлган. Икки оила бир-бирлари билан борди-келди қилиб юрган кезлари дадамга кўнгилик қўйган экан. Дадамнинг кўзлари ожиз бўлгани туфайли бобом дўсти билан куда бўлишни истамай, қаршилиқ кўрсатган. Икки ёш аҳдидан қайтмагач, катталар тўйга розилик беришган. Онам болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлаган. Дадам ҳам қўли гул уста. Ҳалол меҳнати ортидан бизларни ўқитиб, оёққа тургазишди. Улгайиб, ёнларига қирадиган бўлганимизда онам тўсатдан бетоб бўлиб қолди. Дардан азоб чеккан кезлари дадам, "Сиз ҳеч қачон касал бўлманг, ахир кўзимнинг нури сиз", деб кўнгиллари кўтарарди. Афсус, онамнинг умри қисқа экан, бизларни эрта ташлаб кетди. Синглимни турмушга узатганимиз, оиласи тинч-тотув. Мен эрталаб ишга кетиб, кеч тушганда қайтаман. Дадам уйда ёлғиз қолади. Хавотирланиб уйга шошиб келаману, уларни ош-овқатсиз ўтирганларини кўриб, кўнглим бузилади. Дадамнинг ёши 49 да. Уларнинг қаддига асо, кўзига нур бўла оладиган бир меҳрибон аёл бўлса, онамиздек қабул қилардик.

УМИД,  
Бухоро вилояти.

зандлари отасига яхши муносабат кўрсатганида у ўзининг қилмишларидан пушаймонлик ҳиссини туйди.

ҚАРОВСИЗ  
ҚОЛДИРОЛМАЙМАН

Андижон вилоятида туғилганман. Хизмат вазифаси сабаб Тошкентда яшаймиз. Оилам, икки нафар фарзандим билан ижара уйда тураман. Отам иккинчи гуруҳ ногирони, онам нафақада. Улар менга суянишади. Сингилларимнинг бири коллежда, иккинчиси мактабда ўқийди. Тўнғич фарзанд бўлганим учун маошимнинг ярмини Андижонга, ота-онамга юбориб, уларнинг рўзгорига ҳам қарашаман. Шу боис ўз оиламни ҳар томонлама моддий таъминлашга ҳозирча имконим етмаяпти. Рафиқамга уй олгунимизча ота-онам билан яшаб туришини айтсам, кўнмади. Унинг катта опаси ҳам пойтахтда яшайди. Божам тадбиркор бўлгани учун топиш-тутиши яхши. Шахсий уй-жойлари, машинаси бор. Қайнопам синглисини менга қарши қайрайдиган бўлиб қолди. Ишимни ташлаб, хорижга кетиб пул топишни керак эмиш. Унинг аралашуви сабаб тинчгина уйимиз бузилиш даражасига етиб қолди. Аёлим эса "Ё мени, ё ота-онангизни танланг" деган оғир шартни қўйди. Нима қилишга бошим қотган. Биламан, оилам сиз яшолмайман, лекин кекса ота-онамни ҳам қаровсиз қолдирилмайман. Ҳозир икки йўл орасидан, нима қилишни билмай қолдим.

САРВАР, 31 ёш.  
Тошкент шаҳри.

## Психолог маслаҳати:

— Оиланинг мустаҳкамлиги энг аввало эр-хотинга боғлиқ. Ташқаридан кимнингдир оилавий ишларга аралашуви эса парокандаликка олиб келади. Аёлингизга уйдаги гапни опасига етказиб туриши яхши эмаслигини, шу туфайли юзага келаётган муаммолар тинчгина ишлашингизга ҳалақит бераётганини тушунтиринг. Етишмовчиликдан ҳадеб нолийверса, унинг ўзини ҳам бирор жойга ишга киришини маслаҳат беринг.

Қайнопангизнинг оилангиз ишига аралашуви яхши эмас. Уриш-жанжал, аразлашиб юришлар, аччиқ гап-сўзлар ҳеч бир оилага яхшилик олиб келмаган. Шу боис бу вазиятни имкон қадар тинч йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилинг. Қариндош-уруғлар, маҳалла-қўй, қўни-қўшнилар орасида қайнопангизга сўзи ўтадиган, ёши улғу, ибратли аёл бўлса ундан ёрдам сўранг. Шу йўл билан қайнопангизнинг синглиси орқали оилангизга аралашуви чек қўя оласиз.

Эрак кишини бежиз уйнинг устунни, дейишмайди. Сиз мулоҳаза ва тадбир билан иш тутиб оилангизни асраб қолиш билан бирга опа-сингил ўртасига совуқлик солмай муаммони ҳал этишингиз керак.

Психология фанлари номзоди,  
доцент Одина ОТАЖОНОВА  
тавсиялари асосида тайёрланди.

## Муҳтарам юртдошлар!

Ушбу саҳифани тайёрлашда, энг аввало, сизнинг хат-хабар, кўнгирик-муурожаатларингизга кўпроқ таянамиз. Сиз бизга ўз кўнглингиздан кечаётган, ҳатто энг яқин кишингизга ҳам сездиришдан истиҳоло қилаётган сирларингизни ошкор этаётганингизга гувоҳимиз. Албатта, биз баҳоли кудрат сизларга руҳий, маънавий жиҳатдан кўмак бера оласак, зиммамиздаги инсоний бурчимизни адо этган бўламиз.

## ТАХРИРИЯТДАН:

"Бахтли бўлинг" руқига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

## ВАТАН БУ...

(бадихадан парча)

...Ўтган асрнинг олтишинчи йилларида Самарқанд шаҳрининг Регистон ансамбли мадрасалари деворларидаги кошинлар ярим белгича кўчи тушиб, қаровсиз ҳолга келган эди. Таъмирлаш ишлари машҳур уста Ширин Муродов ва унинг ўсири шоғирдларига юклатилади. Бир кун шоғирдлардан бири устадан сўради:

— Уста бобо, биз кошинларни сиз қандай ўргатган бўлсангиз, худди шундай пардозлаб, тозалаб, бир неча бор ўлчаб деворга ёпиштирамиз. Бошқаларга сезилмаслиги мумкин, лекин биз ўзимиз яхши илғаймизми, биз ўрнатган кошинлар сизникидай ярқирамайди. Шунинг сирини айтсангиз...

— Мен кошинларни пардозлаб, сизларга ўргатганимдай тайёрлаб бўлгач, унинг ҳар бирини чап кўрагимга, юрагимнинг устига кўйиб бирпас тин оламан, сўнгра деворга ёпиштираман, сири шу ҳолос, — деди уста. Ватан бу...



вкли. Далада, чайлада кадига увитилган қатикни ўша азиз инсон — деҳқон билан ичиш нақадар лаззатли.

Ватан бу!..

Ёшлигимда онам кечкурун пахта чопиғидан ҳориб, толиб келарди. Бир кўлида ёш боласи — укачамни кўтарган, бир кўли билан елкасига ташла-

## Гурур

ган кетмонининг дастасини ушлаган, елбешик ипи ва анжомларини тахлаб бошига кўйган. У туш пайти келиб, шошиб нон учун хамир қориб кетган бўларди. Онам шоша-пиша нон ясаб, ҳам тандир оқартирарди, ҳам қозонга овқат соларди. Биз — беш бола қаторлашиб, оч қолиб, иссиқ нон ва овқатнинг пишини бетоқат кутиб турардик. Онам тандирга нон ёпиштираётми, иккита ясалган хамирини нонсаватда қолдирар ва югура солиб, томоркамизда говлаб ўсиб ётган кўк пиёздан уч-тўрт дона, райхондан бир шохча олиб, ариқчада тез-тез ювиб, тахтачада ҳалиги кўкат ва бир тўграм гўштни аралаштириб, майдалаб, олиб кўйган хамирини юқартириброқ ясаб, тайёр бўлган масалликларни бичак қилиб ёпарди...

Энди ўйласам, онам овқат пишгунча бизнинг қорнимизни алдаб туриш учун жонхалақлик қилар экан. Тандирда қизараётган нон ва бичак юзига сув сеппи учун шундоққина деворимиз тағидан оқиб ўтадиган ариқчадан пақирда сув олиб келаётган онамнинг этаги ўзи меҳр билан экан гулу райхонларга тегиб-тегиб ўтарди. Ушанда бутун ҳовлини райхон ва бичакнинг тотли хиди тутиб кетарди.

Ватан бу...

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА

РОЗИЛИГИ ТАЛАБ  
КИЛИНМАЙДИ

Бировнинг номидаги уйни сотиб олмакчи эдим. У хотинининг розилиги шарт эмаслигини айтгач, бироз шубҳаландим. Чунки уй унга мерос ҳам эмас, турмуш қуришгандан кейин олинган, аниқроғи, амакиси томонидан унга совға қилинган экан. Қандай ҳолатларда эр-хотин бир-бирининг розилигисиз ўз номида турган уйни сотиши мумкин?

Ж. Бобокулов

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 30 мартда тасдиқланган «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида Йўриқнома»нинг 61-бандига кўра: «Никоҳ қайд этилгунга қадар сотиб олинган, мерос тариқасида ёки ҳада шартномада бўйича олинган, шунингдек никоҳ давомида сотиб олинган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми никоҳ шартномасига асосан тақсимлаб олинган бўлса ёки эр-хотин ўртасидаги мулкни бўлиш тўғрисидаги суд ҳужжати ёхуд нотариал тартибда расмийлаштирилган қелишув мавжуд бўлса, уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимни тасдиқлаш учун эр ёки хотиннинг розилиги талаб қилинмайди.»

## ЗАРАР ҚАНДАЙ ҚОПЛАНАДИ?

Вафот этган фуқаро ўзига тегишли барча мулкларни меросхўрларига васият қилган, бироқ у ҳаёт пайтида етказган зарари тўланмаган бўлса, ушбу зарар қандай қопланади?

В. Хайдаров

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1011-моддасига асосан:

«Фуқаро томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбурияти унинг вафотидан кейин меросни қабул қилиб олган меросхўрларига ўтади. Меросхўрлар жабрланув-

чининг олдидан ўзларига мерос бўлиб ўтган мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Ворисиз мол-мулк ўзига ўтган давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳам ана шундай асосларда жавобгар бўлади.»

Саволларга Янгийўл туман 1-сон ДНИ нотариуси Алма ТАДЖИБАЕВА жавоб берди.

## ШАРТНОМАДА КЎРСАТИЛАДИ

Гаровга кўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги шартномада кўрсатилиши белгиланганми?

Ю. Розиккулов.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 271-моддасига асосан: «Гаров тўғрисидаги шартномада гаров нарса ва унинг баҳоси, моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши керак. Унда гаровга кўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши шарт.»

## ГАРОВ ТУРЛАРИ

Гаров турлари ҳақида маълумот берсангиз. М. Содикова

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 265-моддасида белгиланишича:

«Гаров зақалат, ипотека, шунингдек, ҳуқуқлар гарови тарзида амал қилиши мумкин.

Гаровга қўйиладиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров зақалат деб ҳисобланади.

Кўчмас мулкни гаровга қўйиш ипотека ҳисобланади.»

Саволларга Ангрен шаҳар 2-сон ДНИ нотариуси Абдурашид ИСОҚЖОНОВ жавоб берди.

ИЛҲОМ ПОЛВОН  
ШОҲСУПАДА

Ўзбекистонлик юнон-рум кураши устаси Илҳом Баҳромов Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилаётган II ўсирилар Олимпиадасининг олтин медалини кўлга киритди.

Юнон-рум кураши бўйича вазни 50 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида иштирок этган ҳамюртимиз Илҳом Баҳромов саралашда жазоирлик Хусам Бунасрий, бразилиялик Калебе Феррейра Коррея, Маршалл ороллари вакили Кайсер Мюллерни мағлубиятга учратди. Халқилувчи баҳсда озарбайжонлик Жаббор Нажафов билан куч синашган полвонимиз рақибини 3:1 ҳисобида енгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Олимпиада ўйинларида кеча аёллар кураши бўйича мусобақалар бошланди.

Мазкур мусобақада иштирок этаётган ҳамюртимиз Шаҳодат Джулибаева вазни 52 кг.гача спортчилар мусобақасида «В» гуруҳида баҳсларга киришди. Шаҳодат биринчи беллашувида комбоджалик Срей Мао Дорн устидан 4:0 ҳисобида зафар кучиб, япониялик Маю Мукайда ҳамда Хабиба Исмоил (Миср) билан кечган баҳсда имкониятни бой берди.

Энди Шаҳодат Джулибаева 5-6 ўринлар учун канадалик Тианна Кеннетт билан беллашади.

Мусобақа давом этмоқда. Бошқа спортчиларимиздан ҳам яхши совринлар кутиб қоламиз.

ВАСИЛИЙ  
СУПЕР ЮЛДУЗ  
БИЛАН БИР АРЕНАДА

Икки қарра олимпия ўйинлари голиби, украиналик Василий Ломаченко сўнгги жангида америкалик Гари Расселлини мағлуб этиб, ярим енгил вазнда WBO йўналиши олтин камарини кўлга қиритган эди.

Промоутерларнинг маълум қилишларича, Василий унвонини биринчи мартаба 22 ноябрь куни Хитойнинг Макао шаҳрида ҳимоя қилди. Ломаченконинг бўлажак рақиб, таиландлик Чонлатарн Пирияпиньо эканлиги айтилмоқда.

Эслатиб ўтавиди, кечанинг марказий беллашуви жаҳоннинг энг кўзга кўринган чарм кўлқоп усталаридан бири филиппинлик Мэнни Пакьяо ҳамда америкалик Крис Алгиери ўртасида кечади.

Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Газетамизнинг навбатдаги сони 10 сентябрда чиқади

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом яшаш учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўпёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Дилором  
МАТКАРИМОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ  
Мусахҳиллар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 836. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади — 6302. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Кабулхона: (тел-факс) 233-28-20  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08  
Мухбирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темура кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5